

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:631.111:711.14

АБДУҲАЛИЛОВ БЕКЗОД КОМИЛЖОНОВИЧ

**Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг
илмий асосларини яратиш**

**5A410701-Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

Илмий раҳбар: г.ф.н. Ҳамидов А.А.

Ф А Р Ғ О Н А-2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I боб. Олтиариқ туманида ер ресурсларини ҳолати.....	12
1. Олтиариқ туманининг табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига умумий тавсиф.....	12
2. Туманда ер фондининг ҳолати.....	16
3. Олтиариқ туманида ер тузиш ишларни ҳолати.....	21
I боб бўйича хулоса.....	28
II боб. Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш.....	29
1. Ер ресурсларидан фойдаланишни геоэкологик ҳолати.....	29
2. Туманда бозор муносабатлари шароитида ер муносабатларини тартибга солиш.....	31
3. Ер ресурсларини ер эгаликлари томонидан фойдаланилиши.....	35
4. Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришни ҳозирги ҳолати.....	43
II боб бўйича хулоса.....	48
III боб. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий асосларини яратиш.....	50
1. Туманда ер ресурсларидан фойдаланишни илмий асосларини шакллантириш.....	50
2. Туманда ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг илмий асослари.....	52
III боб бўйича хулоса.....	57
Хулоса.....	60
Илова.....	64
Адабиётлар рўйхати.....	68

Кириш

Магистрлик диссертация иши “Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий асосларини яратиш”деб номланиб туман ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришнинг илмий асосларини яратишга бағишланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ. “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида” дир.

“Кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ва бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, десам, ўйлайманки, барчамизнинг умумий фикримизни ифода этган буламан.

Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Энг асосийси – одамларимизнинг онги ва дунёқараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз булган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда¹ “.

Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер асос (базис) ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади. Ерга нисбатан турли мулкчилик шаклларининг қўлланилиши республикамызда мавжуд ер ресурсларидан тўлиқ, самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш учун тўлиқ шароит яратади. Ер тузиш халқ хўжалигининг соҳаларида ва аниқ кишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилиб, ҳукуматимизнинг аграр сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутати.

¹.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан (18 январь 2013 йил)

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” қонунининг қабул қилиниши билан ер муносабатларини тартибга солиш, ер фондидан самарали фойдаланиш, уни ташкил этиш ва бошқариш, ҳамда ердан фойдаланишни давлат назоратини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ўрнатилди.

Ҳозирги кунда Олтиариқ туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сақлаш ва уларни мамлакатимиз бўйлаб транспортировка қилиш масалаларига жуда катта аҳамият берилмоқда. Туман фермер хўжаликлари ва шахсий хўжаликлар томонидан маҳсулот етиштиришда юқори агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда интенсив хўжалик юритишга ўтилмоқда, бу ҳолат ердан унумли фойдаланиш уни структурасини доимо яхшилаб бориш, муҳофаза қилиш каби чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиб уни амалиётга тадбиқ қилиб боришни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда туман қишлоқ хўжалигида барча ишларни илмий асосда ташкил этиш, тупроқ унумдорлигини муттасил ошириб бориш, фермер хўжаликларида барча деҳқончилик ишларини агротехника талаблари асосида ташкил этиш, провард натижа эса барча экин турларидан юқори ҳосил етиштиришни кафолатлайдиган илмий ишланмалар тизимига эга булишни, ер ахборот тизимлари бўйича маълумотлар банкини ташкил этишни ҳаётни ўзи мажбур қилиб қўймоқда. Ер ахборот тизимлари бўйича маълумотлар банки тумандаги ҳар бир фермернинг компьютер тизимида булиши керак, чунки ер кадастри, ерларни иқтисодий баҳолаш, бонитировка, агрономия, механизация масалаларида барча маълумот, кўрсатма, буюртма агар керак булса топшириқларни бир вақтнинг ўзида марказий ахборотлар банкидан олинishi мумкин булади.

Ўзимизга маълумки Олтиариқ тумани Фарғона вилоятидагина эмас балки, Республикадаги энг илғор туманлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришнинг

интенсив йўлини танлаган ҳолда фермер хўжаликларини бошқаришнинг илғор усулларида унумли фойдаланган туман раҳбарлари вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтганидек:

“- одамларимизнинг онги ва дунёкараши тубдан ўзгармоқда, бебаҳо бойлигимиз булган ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш учун масъулият туйғуси кучаймоқда”- бу айтилган гапни Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланаётган барча фермер хўжаликлари ва умуман Олтиариқ халқи жуда яхши англаб етган ва бу айтилган фикрларни ўзлари учун дастурамал қилиб олганлар.

Магистрлик диссертацияси ишини ғоясидан келиб чиққан ҳолда туманда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича ўзимнинг фикр ва мулоҳазаларимни баён қилиб, туманда қишлоқ хўжалигида ва умуман ердан фойдаланувчи ташкилот ҳамда корхоналарда ер ресурсларидан самарали, оқилона фойдаланишнинг илмий жиҳатларини очиқ беришга уруниб кўришга ҳаракат қилдик ва бу масалаларда туманда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишларни самарали ташкил этиш учун зарур булган илмий қарашларимизни қуйида атрофлича баён қилишга ҳаракат қилдик.

Олтиариқ тумани- Фарғона вилоятидаги туман. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолдан Наманган вилояти, ғарб ва шимоли-ғарбдан Риштон, Бувайда ҳамда Бағдод, шимоли-шарқдан Қўштепа, Ёзёвон туманлари ва жанубдан Фарғона тумани ва Қирғизистоннинг Қадамжой тумани билан чегарадош.

Майдони 0,63 минг км². Аҳолиси 175,7 минг киши (2012 йил). Олтиариқ туманида 1 та шаҳар (Ҳамза), 13 шаҳарча ва 15 та қишлоқ фуқаролар йиғини (Азимобод, Бурболик, Жўрак, Зилҳа, Катпут, Олтиариқ, Оқбўйра, Повулғон, Полосон, Файзиобод, Янгиараб, Янгикўрғон, Қапчуғай, Қизилтепа, Ғайрат) бор. Маркази- Олтиариқ шаҳарчаси.

Мавзунинг долзарблиги. “Фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг географик- сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормоқда²”.

Фарғона вилоятининг бошқа туманларидаги каби Олтиариқ туманида ҳам ўзоқ йиллар давомида ердан, ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш экстенсив йўлдан ривожланди ва охир оқибат ерларни тупроқларини структурасини бўзилишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигидаги экстенсив ривожланиш фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейигина интенсив хўжалик юритишга ўта бошлади ва ер ресурсларини ўрганиш улардан фойдаланишни илмий жиҳатдан асослаш бўйича илмий тадқиқот ишлари аниқ режалар асосида йўлга қўйила бошлади.

Хусусан, олиб борилган туман ҳудудидаги ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотларни чуқур илмий таҳлил қилиш ва уларни аҳамиятини ўрганиш асосида туман ер ресурсларларидан фойдаланиш ва уни бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилиши мумкин булган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш мавзунинг долзарблигидан далолат беради

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур ишнинг тадқиқот объекти сифатида Олтиариқ туманининг ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш олинган. Олтиариқ туманида олиб борилган ер ресурслари

² .Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //“Ўзбекистон” нашриёти.-Тошкент.-1997.-114-бет.

бўйича изланишларнинг илмий таҳлили, туман ҳудудида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни илмий асосини аҳамиятини кўрсатиш тадқиқотнинг предмети белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур магистрлик диссертацияси ишнинг асосий мақсади Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришнинг илмий асосларини ўрганиш ва уларнинг илмий натижаларини амалий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- туманда олиб борилган тупроқларини ўрганиш бўйича тадқиқотларни илмий таҳлил қилиш;
- олиб борилган комплекс тупроқ тадқиқотларнинг илмий натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- туманда ер ресурсларидан фойдаланишни босқичларини аниқлаш ва асослаш;
- туман ҳудудида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича муаммоларнинг келиб чиқиш шароитларини аниқлаш ва уларнинг ечимидаги асосий концепциялардан фойдаланиш йўналишларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Олтиариқ тумани ҳудудида геология, иқлим, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг комплекс ўрганилиши бўйича кўп йиллар давомида тадқиқот ишлари олиб борилган, лекин бу тадқиқотларнинг илмий таҳлили ҳали тўлиқ амалга оширилмаган, уларнинг геоэкологик аҳамияти очиқ берилмаган;

- тупроқларини ўрганиш, ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш бўйича тадқиқотларнинг илмий натижалари ва уларда илгари сурилган илмий ғоялар, йўналишлар ва қарашларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан ер ресурсларидан фойдаланишдаги аҳамияти

бирорта илмий ишда тўлақонли ўрганиб чиқилмаган (бундай ишлар фақат вилоят, водий ва республика даражасида кўрилган холос);

- худуднинг тупроқ турларини алоҳида туманнинг ўзи учун карталаштирилганига анча вақт булди. Бу вақт оралиғида антропоген таъйик натижасида тупроқларнинг таркиблари ўз кўринишини жуда катта майдонларда ўзгартирди. Бу ҳолат алоҳида янги маълумотлар билан бойитилган карталарида ўз аксини топмаган;

- айнан Олтиариқ тумани учун ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини акс эттирувчи тўлиқ маълумотлар банки ва ер ресурсларининг ҳозирги геоэкологик ҳолати тавсифланмаган ва баҳоланмаган табиатидан фойдаланиш, табиатини муҳофаза қилиш борасида етарли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмаган.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Фарғона вилоятида жумладан, Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни илмий асосда бошқариш бўйича махсус илмий изланишлар олиб борилмаган. Лекин ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича В.А.Ковда, М.А.Панков тупроқлар мелиорацияси бўйича, И.Н.Степанов (1975), А.Е.Нерозин, А.Расулов, В.М.Легостаев, Х.Умаров, С.П.Сучков, Е.Г.Бессонов, К.Шодмонов, К.А.Давий, К.М.Мирзажонов, А.Мақсудов, В.Исақов, Г.Ўлдошев, М.И.Кочубей, Н.В.Кимберг ва бошқалар фаол тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Тадқиқотнинг методикаси. Мазкур илмий ишни тайёрлашда ишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, А.Е.Нерозин, А.Расулов, В.М.Легостаев, Х.Умаров, С.П.Сучков, Е.Г.Бессонов, К.Шодмонов, К.А.Давий, К.М.Мирзажонов, А.Мақсудов, В.Исақов, Г.Ўлдошев, М.И.Кочубей, Н.В.Кимберг ва бошқаларнинг тадқиқот услубларидан кенг кўламда фойдаланилди ва илмий-назарий хулосаларига асосланилди. Бундан ташқари, ишда қисман қиёсий-тарихий тадқиқот услуби, башоратлаш, картографик услублардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг асосини Олтиариқ ва Фарғона вилоятида олиб борилган компонентлар бўйича ва комплекс тадқиқотларга оид илмий адабиётлар материаллари ташкил этади. Шунингдек, магистрлик диссертациясини бажаришда Олтиариқ тумани хокимлигининг қишлоқ хўжалик бўлими фонд материаллари, турли ташкилотлар томонидан тузилган ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

Илмий изланишга магистрнинг шахсан қўшган ҳиссаси қуйидагилардан иборат.

- магистрлик диссертацияси мавзусидан келиб чиқилгани ҳолда илмий адабиётлар, фонд материаллари, Олтиариқ тумани хокимлигининг қишлоқ хўжалик бўлими материаллари ва ҳисоботлари таҳлил қилинди ва илмий ва амалий аҳамияти аниқланди;

- магистрлик диссертациясининг мавзусидан келиб чиқилгани ҳолда Олтиариқ туманининг маъмурий карта-чизмаси, табиий карта-чизмаси, туманнинг тупроқлар карта-чизмаси, гидрологик карта-чизмаси ва туманнинг иқтисодий карта-чизмаси 1:100 000 масштабларда ишланди;

- туманда ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни ҳозирги ҳолатига тўлиқ баҳо берилди;

- туманда ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни оптималлаштириш масалалари, табиатини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган комплекс тадқиқотлар натижаларидан ва ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар тизимидан ҳамда тузилган карталардан Олтиариқ туманида фаолият кўрсатаётган, ҳудуднинг табиати ва ер ресурсларидан фойдаланаётган қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, саноат корхоналари, транспорт, коммунал хизмат ва бошқа ташкилот, муассасалар кенг қўламда фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга магистрлик диссертациясининг илмий натижа ва

хулосалари ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича башорат ҳамда мониторингини ишлаб чиқишда асқотади.

Шу билан бирга магистрлик диссертацияси ишидан Олтиариқ туман ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари , лицей ва касб-хунар коллежлари ўлкашунослик материаллари сифатида фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги энг аввало:

Олтиариқ туманида тупроқларини, ер ресурсларини ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқариш бўйича ўрганишлар жараёнини тавсифлаш, бу даврдаги назарий ғоя ва ишланмаларни ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги фанлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда уни аҳамиятини аниқлаш. Бу жараёнда:

- туманни ер ресурслари ва улардан фойдаланиш ва бошқариш бўйича материал тўпланди, тартибга солинди ва умумлаштирилди;
- туманда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг асосий босқичлари аниқланди, тадқиқотларнинг илмий натижалари умумлаштирилиб, илмий, амалий аҳамияти очиқ берилди ва баҳоланди;
- ҳудудда қисман булсада ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришдаги муаммоларнинг келиб чиқиш манбалари аниқланди, уларнинг ечимига оид ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва ер ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича изланишлар динамикаси таҳлил қилинди

Тадқиқот натижаларининг синалганлиги ва нашр этилганлиги
Диссертациянинг асосий мазмуни 2013 йил 5 январда Фарғона Давлат Университетида “Фарғона водийсида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг геоэкологик жиҳатлари” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясида 2 та мақолада ёритилди ва Фарғона политехника институтида 2011-2013 йиллар давомида ўтказилган

профессор- ўқитувчилар, магистрлар ва талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжуманида маърузалар қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларни ўз ичига олади. Унинг умумий ҳажми 72 бет, шундан бевосита матн қисми 59 бет. Унда 4 та карта-чизма, ва 5 та жадвал берилган, фойдаланилган адабиётлар 44 манбадан иборат.

Магистрлик диссертациясининг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган унинг илмий жиҳатдан ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, назарий-услубий асослари, илмий янгилиги ҳамда амалий жиҳатлари асослаб берилган.

Биринчи боб – Олтиариқ туманида ер ресурсларини ҳолати: Табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига умумий тавсиф, туманда ер фонди, Олтиариқ туманида ер тузиш ишларни ҳолати йўналишдаги тадқиқотларга кенг ўрин берилган.

Иккинчи боб – Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш

ва бошқариш: Ер ресурсларидан фойдаланишни ҳозирги ҳолати, ер ресурсларини ер эгаликлари ўртасидаги тақсимооти, Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришни ҳозирги ҳолати ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

Учинчи боб – Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий асосларини яратиш: Туманда ер ресурсларидан фойдаланишни илмий асосларини шакллантириш, ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг илмий асослари бўйича масалалар ёритилган.

Ишнинг хулоса қисмида изланиш, тадқиқот натижалари умумлаштирилиб магистрлик диссертация мавзуси бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

I боб. Олтиариқ туманида ер ресурсларини ҳолати.

1. Олтиариқ туманининг табиий, ижтимоий- иқтисодий ҳолатига умумий тавсиф

Табиати. Олтиариқ тумани ҳудудининг жануби адирлар, сойларнинг ёйилмалари, қумли шўрхоклардан иборат. Адирлар ва адир этакларининг баландлиги 500-700 метр. Бу ерлар тоғлардан оқиб тушадиган кўп сойларнинг қадимги конгломератларидан- Сўх свитаси комплексларидан таркиб топган (қалинлиги 80-200 метр).

Адирларнинг Марказий Фарғона текислигига тутшиб кетган қанотлари ёйилма кўринишида булиб, тошли-шағалли, гилли ва қумоқ жинслардан иборат. Уларнинг ҳаммаси антропоген даврининг турли ёшдаги ётқизикларидир. Шимолий қисмининг рельефи кенг текислик булиб, юзасини қум, гил, ўнлаб метр чуқурликда тошли-шағалли жинслар қоплаб ётади. Уларнинг тагида 400 метр қалинликда палеоген даврининг карбонатли денгиз чўкиндилари бор. (Олтиариқ туманнинг табиий карта-схемаси 1-расм)

Иқлими. Иқлими қуруқ, сершамол, баҳор ва кўзда шамол булади. (тезлиги сониясига 12-15 метр). Йиллик ўртача ҳарорат 13°, январда ўртача ҳарорат - 2°, энг паст ҳарорат -23°, июлнинг ўртача ҳарорати 26°-28°, энг юқори ҳарорати 42°. Вегетация даври 210 кун. Йиллик ёғин миқдори 100- 180 мм.

Тупроқлари. Адир ва адир этакларида оч бўз, тўқ бўз, кўнғир бўз, марказий ва шимолий қисмида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ шўрхок тупроқлар тарқалган.

Ўсимликлари. Ёввойи ўсимликлардан адирларда шувоқ, баҳорда эфимер ва эфимероидлар, марказий ва шимолий қисмидаги қумликларда шўра, юлғун, селин, янтоқ ва бошқалар ўсади.

Ҳайвонлари. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, каламуш, ўқилон, чипорилон, бургут, бойўғли, калхат, қирғий ва бошқалар бор.

Сувлари. Туманнинг экин майдонлари Олтиариқсой, Жанубий Фарғона, Катта Фарғона, Катта Андижон, Сўх-Шоҳимардон каналларидан сув олади. “Қўрғонтепа”, “кенг кўл” сув омборлари қурилган. Чўл қисмида йирик минерал сув ҳавзаси (Қизилтепа) бор.

Аҳолиси. Асосан ўзбеклар (93,5%), шунингдек, тожик (4,4%), қирғиз (1,9%), рус, лўли, корейс, арман, немис, чуваш, козок, озарбайжон, украин ва бошқа миллат вакиллари (1,1%) ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 278,9 киши тўғри келади. Шундан шаҳар аҳолиси 73,4% ни, қишлоқ аҳолиси 144,7% ни ташкил этади (2012 йил).

Хўжалиги. Олтиариқ тумани Фарғона вилоятининг марказий қисмида жойлашганлиги, муҳим транспорт йўлларининг ўтганлиги, иқлим шароитининг қулайлиги, туманда ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва тадбиркорлик, маданий-маиший соҳалари ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожланишига муҳим омил бўлмоқда. (Олтиариқ туманининг маъмурий карта-чизмаси. 2-расм)

Саноати. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот, муассасалар Олтиариқ шаҳарчаси, Ҳамза шаҳри, Қапчуғай, Файзиобод қишлоқларида жойлашган. Туманда республикадаги дастлабки корхоналардан ҳисобланган олтиариқ нефтни қайта ишлаш ва Олтиариқ пахта тозалаш заводлари, шунингдек, “шоҳимардонсой” минерал сув қадоклаш заводи, вагонларни буғлаб ювиш корхонаси, Қапчуғай темир-бетон буюмлари заводи, Файзиобод қурилиш комбинатлари (2 та), 2 та механизациялашган қурилиш ташкилоти, машина- трактор парклари, 2 та автокорхона, автомобиль йўлларини қуриш, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқалар мавжуд.

Тумандаги 1080 та хўжалик юритувчи субъектлардан 29 таси акциядорлик жамияти, 20 таси ширкат хўжалиги, 7 таси йирик саноат корхоналари. 169 кичик ва ўрта корхоналар, 429 фермер хўжаликларидир.

Транспорти. Туман ҳудудида республика аҳамиятига эга бўлган Тошкент-Фарғона ҳамда маҳаллий Марғилон-Қўқон, Водил-Учуй

автомагистраллари ўтган. Қопламли асфальт йўлларининг умумий ўзунлиги 400 км атрофида.

Қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи-деҳқончилик. Тумандаги 24 минг га суғориладиган ер майдонидан 20,6 минг га ерга экин экилади. Олтиариқ туманида 15 та ширкат хўжалиги (ҳозирда улар тугатилган), Қизилтепа фермерлар кенгаши (ўзида 429 та фермерни бирлаштиради), туман фермерлар уюшмаси томонидан 7895 га ерга пахта, 8520 га ерга дон экинлари экилади (2012 й). 534 га ўрмонзор, 1530 га кўп йиллик дарахтзор, шундан 1250 га боғ, 21 га токзор, 250 га тутзор билан банд.

Туман фермер ва шахсий хўжаликларида 29,8 минг бош қорамол (шу жумладан 12,8 минг сизир), 13,9 минг қўй, 32,6 мингдан зиёд парранда боқилади (2012 йил). Пиллачилик билан ҳам шуғулланилади.

Олтиариқ туманида Давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари:

- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини; саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларни олиб қўйиш ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;
- фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

- фуқароларга, юридик шахсларга ерлардан ер участкасининг ўлчамидан катъий назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

- ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

- ер участкаларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

- ер участкаларига булган ҳуқуқларни ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига булган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36 - моддасига мувофиқ бекор қилиш;

- қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Туман ҳудудидаги шаҳар ва шаҳарчалар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари:

- ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- ер участкасини ўлчамидан қатъий назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

- ер участкаларини савдо ва хизмат к.рсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

- ер тузишни ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

- ер участкаларига булган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

- ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига булган мулк ҳуқуқларини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36 – моддасига мувофиқ бекор қилиш;

- ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

2.Туманда ер фондининг ҳолати

Республика ҳудудининг бошқа қисмлари каби Олтиариқ туманида ҳам туман ер фонди туман ҳокимлигини қишлоқ хўжалик бўлими томонидан назорат қилинади. Ер фондини давлат томонидан бошқариш деганда ҳуқуқий меъёрларга асосланган тегишли давлат ҳокимияти органларининг ер фондидан унумли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ташкил этиш, унинг сифати ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган ҳаракати тушинилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат, транспорт ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши табиий ресурсларнинг ҳолатига хўжалик – иқтисодий ҳаракатларнинг салбий таъсирини кучайтиради.

Шунинг учун ер фондини давлат томонидан бошқариш; ер фондидан илмий асосда фойдаланиш; хўжалик ва сиёсий раҳбарликнинг бирлиги; халқ хўжалигини режалаштириш билан боғлиқлик каби тамоилларга асосланиши керак. Бошқаришнинг асосий функцияси – ер фондидан унумли фойдаланишни ва муҳофаза қилишни ташкил этишга қаратилган фаолиятдир.

Ер фондини давлат томонидан бошқариш органлар тизими жумладан, Олтиариқ тумани хокимлиги ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни давлат назорати, ер тузиш ва ер мониторинги, давлат ер кадастрини юритиш, ердан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш асосида ер тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишни таъминлайди.

У умумий ва соҳавий бошқарув органларига бўлинади.

Ер фондини давлат томонидан бошқаришнинг мавжуд ер ресурсларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳуқуқлар билан таъминланган давлат хокимияти органлари олиб борадилар. Ер фондини бошқариш органлари *бажарувчи ва ижроя – тақсимловчи* органларга бўлинади.

Бажарувчи органлар давлат хокимиятининг барча тизимини қамраб олади. Хокимиятлар томонидан қишлоқ хўжалиги, табиатни қўриқлаш, қонунчиликни таъминлаш бўйича доимий комиссиялар тузилади ва улар ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилишда, ер фондини бошқариш бўйича қонунчиликнинг бўзилишларини олдини олишда иштирок этадилар.

Ижро этувчи – тақсимловчи органлар ҳам икки хилда: умумий ва махсус ваколатдаги органларга бўлинади. Мисол учун: қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ер фондини давлат томонидан бошқаришнинг умумий раҳбарлигини амалга оширади ва унинг ваколоти барча бошқариш функцияларини қамраб олади. Иккинчи томондан қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан соҳавий бошқарувини олиб боради.

Ер фондини давлат томонидан бошқаришнинг асосий усуллариға қуйидагилар киради: ер тузиш, давлат ер кадастри, ер мониторинги ва ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни устидан давлат назорати.

Ер тузиш – ер муносабатларини тартибга солишга ерлардан фойдаланишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри – ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларига, ижарачиларига ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Ер мониторинги – ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кўзатиб туриш тизимидан иборат.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати – ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний хшахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти (масалан Олтиариқ туманида туман ҳокимлигини қишлоқ хўжалик булими) органлари, шунингдек махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширишда қуйидаги функцияларни бажарадилар:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- корхоналар, муассасалар, ташкилотларни ва фуқароларнинг ер кодексига ва ер тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя этишларини назорат қилиш;

- ер участкаларига уларнинг мақсадларига мос равишда фойдаланиш режимини ўрнатиш;

- давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ошириш ва тиклаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга йўл қўймаслик;

- мавжуд ер ресурслари ўлчами, ҳолати ва улардан фойдаланиш бўйича маълумотлар тайёрлаш;

- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахслар, бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, йўл қўйилаётган қонун бўзилишларини бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;

- ер фондидан фойдаланишни яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ошириш ва тиклаш Миллий дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.(Олтиариқ туманининг тупроқ картаси 3-расм).

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг функцияларига қуйдагилар киради:

- барча турдаги хўжалик фаолиятларга ер ажратиб беришда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилишини таъминлаш;
- янги техника, технология ва тупроққа ишлов бериш материалларни ишлаб чиқишда, ҳамда ташкилотлар ва бошқа объектларни лойиҳалашда, қуришда экологик меъёрларга риоя қилинишини таъминлаш;
- тупроқларни оқова сувлар, пестицидлар, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар билан ифлосланишининг олдини олиш;
- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда ўрнатишга ердан фойдаланиш режимига риоя қилинишини таъминлаш;
- ер тузиш лойиҳаларида ва бошқа лойиҳаларда ерларни ифлосланиши, бўзилишига олиб келувчи жараёнларни олдини олувчи тадбирларни амалга оширилишини таъминлаш;
- ер тўғрисидаги қонунчиликнинг ерларни муҳофаза қилиш қисмига риоя қилиш;
- табиатни муҳофаза этиш, рекреация ва бошқа алоҳида муҳофаза этиш мақсадлар учун ажратилган ерларни ўзбошимчалик билан эғаллаб олишни олдини олиш;
- бўзилган ерларни рекультивация қилиш бўйича ишларни бажаришни назорат қилиш;
- қишлоқ хўжалик ерлари айланмасидан чиқарилган, унумдор қатламлари бўзилган ерларни яхшилаш бўйича тадбирларни бажарилишини таъминлаш

Республика ер ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини олиб беришда санитария – эпидемиология хизмати қуйидаги функцияларни бажаради:

- ер участкаларидан фойдаланишда санитария-эпидемиология қонунчилигига риоя қилиш;
- радиоактив ва бошқа заҳарли моддаларни қайта ишлаш ва қўшиш билан боғлиқ булган объектлар, корхоналарни эксплуатация қилиш ва

лойиҳалашда муҳофаза санитар-химоя, соғломлаштириш ва рекреация зоналарини ўрнатиш;

- ерларни юқумли касалликлар ва паразитлар билан ифлосланишини олдини олиш.

Олтиариқ туманинг ер фонди

1-жадвал

Майдони, минг га	Қ/х фойдаланиладиган ерлар, минг га	Шу жумладан суғориладиган ерлар минг га	Қ/х фойдаланиладиган ерларга нисбатан, %		
			Экин ерлар и	Қўп йиллик дарахтзорла р	Пичанзор ва яйловлар
63,1	19,2	19,2	90,4	8,2	1,4

3.Олтиариқ туманида ер тузиш ишларни ҳолати

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш, ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва деҳқончилик тизимлари билан боғлаш учун энг қулай ҳудуд маъмурий туман ҳудуди ҳисобланади. Айнан шу ҳудудда зарур ташкилий, молиявий ва бошқа имкониятларга эга бўлган ва маҳаллий бошқарувни амалга оширадиган туман ҳокимияти жойлашгандир. Туман ўзининг корхоналар ва ташкилотлар тизимидан иборат ишлаб чиқариш мажмуасига, ишлаб чиқариш ва иштимойй инфраструктурасига ҳамда табиий ва иқтисодий ресурсларга эга. Аҳоли ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ барча масаларни кўриб чиқиш ва ечиш туман ҳокимияти ваколатлари доирасига киради. Бу масалалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

давлат мулки бўлган ер ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш, туман ҳудудида ердан фойдаланишни назорат қилиш;

туманнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш, қуриш, ободонлаштириш, ва кўкаламзорлаштириш, сув манбааларидан ва кенг тарқалган қазилма бойликлардан фойдаланишни, йўл қурилишини ва йўллар таркибини тартибга солиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилишда ва ишларга қатнашиш.

Маъмурий туман давлатимизнинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича асосий ҳудудий бўлинмаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маъмурий туман ҳудудининг турғун ва комплекс ривожланишини таъминлашда ер тузишнинг аҳамияти катта. Туман маъмуриятига қуйдаги ер тузиш ишларини ўтказиш ваколати берилган:

туман ер хўжалигини бошқариш;

ташкилотларга, корхоналарга, муассасаларга ва фуқароларга ер учаскаларини бериш ва қайтариб олиш;

ер тузишнинг амалга ошириш;

ер кадастри ва мониторингини олиб бориш;

ер солиғини ва бошқа тўловларни йиғиш.

Маъмурий туманда ер тузиш – бу ердан оқилона фойдаланишнинг ва уни муҳофаза этишни ташкил этиш, туманда ер муносабатларини тартибга солиш, хўжалик ва ташкилотларнинг ҳудудларини тузиш, табиий ландшафтларни маданийлаштириш бўйича тадбирлар тизими ва ижтимоий; иқтисодий, экологик жараёндир. Бу тизим хўжаликлараро ва хўжаликларда ички ер тузишни лойиҳа олди ва техник-иқтисодий асослаш ишларнинг мувофиқлаштиради.

Ер тузишни лойиҳалаш таркибида, лойиҳа олди ишлари босқичи бор. Бу босқичда катта ҳудудларда ердан самарали фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг йирик муоммолари ечилади. Лойиҳада олди ишлари босқичда ечиладиган масалар ер тузиш чизмасида

тўла ўз ечимини топади. Туман ер тузиш чизмаси ер тузиш лойиҳаларидан олдин ишланади ва уларнинг тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий туман ер тузиш чизмасининг асосий таркибий қисмлари ва уларда бажариладиган ишлар таркиби 1,3.2- жадвалда келтирилган.

Маъмурий туман ер тузиш чизмасининг асосий таркибий қисмлари
2-жадвал.

Ер тузиш чизмасининг таркибий қисмлари	Бажариладиган ишлар мазмуни
Ерларни қайта тақсимлаш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг келажаги	Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини асослаш. Махсус ер фондларини ажратиш. Келажакдаги ер балансини ишлаб чиқиш.
Агросаноат мажмуасини жойлаштириш ва ривожлантириш	Туман агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш. Хўжалик юритишнинг устивор турларини белгилаш. Қишлоқ хўжалик корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича тавсиялар тайёрлаш.
Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар тизимини такомиллаштириш	Туман ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларининг келажакдаги тизимини яратиш. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларидаги камчиликларни тугатиш. Аҳоли яшаш тизимини ва инфратизим таъминотини асослаш.
Ер турларини ташкил этиш	Агроэкологик асосда ер турлари таркиби ва нисбатини белгилаш. Ер турларини яхшилаш ва трансформациялаш (бир турдан иккинчи турга ўтказиш) бўйича тадбирлар ишлаб чиқариш.
Табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар	Махсус қўриқланадиган ҳудудлар чегараларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш.

	Ерларни барча бўзилишлардан асраш (эрозия, шўрланиш, ифлосланиш ва ш. ў.).
Ер тузиш чизмаси тадбирларининг самарадорлигини ва уларни амалга ошириш	Тадбирлар самарадорлигини ҳисоблаш. Тадбирларни амалга ошириш навбатларини аниқлаш.

Тумандаги шаҳарлар, шаҳар типдаги посёлкалар, уларнинг эғаллаб турган майдонлари, бажариладиган ижтимоий ва ҳўжалик вазифалари таҳлили қилинади. Асосий эътибор қишлоқ аҳоли сони ва таркиби, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида банд булганлари, миграция жараёнлари ва демографик вазият, қишлоқлар чегарасида ва ташқаридаги қишлоқ кенгашлари тасарруфида булган ерлардан фойдаланиш.

Тумандаги ноқишлоқ ҳўжалик корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари фаолиятларининг ердан фойдаланишдаги ўзига хос томонлари, келажакда кўшимча иш ўринларини яратиш имкониятлари, атроф муҳитга ва ҳўжалик юритишга таъсирлари аниқланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш натижасида юз берган ўзгаришлар таҳлил этилади: қишлоқ ҳўжалиги ерларидан фойдаланишни такомиллаштиришга, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги турдаги корхоналарнинг салмоғи, ерни муҳофаза этиш ишларининг ҳажми, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратизимларини ташкил этиш.

Ер ресурсларининг ҳолатини таҳлил қилиш ва ердан фойдаланиш даражасини баҳолаш, туманда ердан фойдаланишнинг келажagini аниқлаш ҳар бир ер категорияси (тоифаси) бўйича уларнинг устиворлигини, табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ерларни улардан фойдаланиш ва муҳофаза этишни яхшилаш мақсадида қайта тақсимлашнинг энг аҳамиятли масалалари жумласига қуйидагилар кирада: ер ресурсларининг халқ ҳўжалиги тармоқлари орасида тақсимланишдаги камчиликларнинг тугатиш ва кўзда тутилган

тадбирларнинг илмий асосланганлиги даражасини ошириш; халқ хўжалиги тармоқлари ер ресурсларини улар ишлаб чиқаришининг келажақдаги ривожланишига ва тармоқ талабига мослаш; ажратилган ернинг меҳнат ресурслари ва моддий-техник ҳамда инвестицион имкониятлар билан оптимал боғланишини таъминлаш; ландшафтларни маданийлаштириш ва экологик вазиятни турғунлаштири учун шароит яратиш.

Ерларни қайта тақсимлашда ҳудудни агроэкологик районлаштириш натижалари асос қилиб олинади. Ерларнинг табиий (рельфи, тупроғи, тупроқ ости қатламлари, ўсимлик дунёси, сув манбаалари ва ш.ў.) ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳасобга олган ҳолда тармоқлар (қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, шаҳар, саноат ва сув хўжалиги, қурилиш, табиатни муҳофаза этиш ва бошқ.) учун яроқлилиги аниқланади. Агроэкологик районлаштириш натижаларидан тўла ёки қисман фойдаланиш мумкинлиги ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг кутилаётган ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги мақсадларига ажратилган ерлар қонуний устиворликка эга. Сабаби, бу ерлар аҳолини озиқ-овқат ва саноатни кўп турдаги хом ашё билан таъминловчи манбаа бўлиб хизмат қилади. Уларнинг энг асосий сифат кўрсаткичи – унумдорликдир.

Маъмурий туман ер тузиш чизмасининг ушбу таркибий қисмининг якуни сифатида туманнинг тармоқлараро ер баланси тузилади (1.3.3-жадвал)

Туман ер тузиш чизмаси бўйича ерларнинг қайта тақсимланиши

3 – жадвал

Ер тоифалари	Майдони минг. га		
	2012 й.	Келажақда	ўзгаришлар - +
Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	19,2	19,0	-0,2

Аҳоли яшаш жойлари ерлари	12,4	12,9	+0,5
Саноат, транспорт, алоқа, муҳофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	9,5	9,7	+0,2
Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларга мўлжалланган ерлар	3,5	3,6	+0,1
Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлари	1,0	1,0	
Ўрмон фонди ерлари	8,2	8,6	+0,4
Сув фонди ерлари	4,2	4,8	+0,6
Заҳира ерлари	5,1	5,0	-0,1
Ж А М И	63,1	64,6	

Агросаноат мажмуасини жойлаштириш ва ривожлантириш. Ер ислохотлатини ўтказиш бўйича тадбирларнинг асосий қисми булган қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва қайта ташкил этиш, ерларни қайта тақсимлаш, фермер хўжаликларини, кичик ширкатларни, ҳиссадорлик жамиятларини ва ҳар хил уюшмаларни тузиш – агросаноат мажмуасини жойлаштириш заруратини туғдиради.

Туман ер тузиш тизимида агросаноат мажмуасининг ўрни қишлоқ хўжалиги тармоғининг, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар ва бошқа инфратизим тармоқлари корхоналарининг жойлашуви ва келажакдаги ривожланишига боғлиқ.

Маъмурий туман ҳудудида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашуви ва келажакда ривожланишини асослашни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даражасини таҳлили этиш ва баёлашдан, аграр соҳада кўзга ташланаётган ўзгаришларни, етишмаётган ва фойдаланилмаётган ресурсларни аниқлашдан бошланади ҳудуднинг потенциал

имкониятларини, ерларнинг унумдорлигини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқришнинг самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларини ташкил этишнинг негизида уларга ер бериш масаласи ётади. Фермер хўжаликларига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш Тартиби» ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи билан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом» фермер хўжаликларини ташкил этишда талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш шартларини, танлов ғолибларини аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига фермер хўжаликларини юритиш учун берилиши мустаҳкамланган. Фермер хўжаликларига ер беришнинг ҳуқуқий тартиби «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 10, 11 моддаларида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ, Фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача булган, лекин ўттиз йилдан кам булмаган муддатга берилади.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини беришнинг ҳуқуқий тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига ўзоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом» га асосан белгиланади.

I боб бўйича хулоса

Умуман олганда Олтиариқ тумани Фарғона вилоятида ўзининг ўрнига эга булган туманлардан бири ҳисобланади. Биз биринчи бобда туманнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига, ер фондининг булинишларига ҳамда туманда олиб борилаётган ҳозирги кундаги ер тузиш ишларига қисқача тўхталиб хулосалар қилдик. Жумладан, Олтиариқ тумани-Фарғона вилоятидаги туман. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолдан Наманган вилояти, ғарб ва шимоли-ғарбдан Риштон, Бувайда ҳамда Бағдод, шимоли-шарқдан Қўштепа, Ёзёвон туманлари ва жанубдан Фарғона тумани ва Қирғизистоннинг Қадамжой тумани билан чегарадош. Майдони 0,63 минг км². Аҳолиси 175,7 минг киши (2012 йил). Олтиариқ туманида 1 та шаҳар (Ҳамза), 13 шаҳарча ва 15 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор.

Олтиариқ туманида 63,1 минг гектар майдонда деҳқончилик қилинади, (2013 йил январь ҳолатига 79,97 минг га) туман ер фондида жами ер майдонининг 90,4% қисми экин ерларига тўғри келади. Бу ҳолат туман ерларининг асосий қисми қишлоқ хўжалик айланмасида экнилигидан фермер хўжаликларида ерлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилганлигини далолат беради. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш билан боғлиқ ер тузиш ишларини ўтказиш, ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва фермер хўжаликларини деҳқончилик тизимлари билан боғлаш учун энг қулай ҳудуд маъмурий туман ҳудуди ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб Олтиариқ туманига табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига умумий тавсиф, унинг ер фондини ҳолати ҳамда туманда ер тузиш ишларни ҳолатига қисқача маълумотлар берилди. Келтирилган маълумотлар асосида туманда ер ресурсларининг ҳолати қониқарли даражада деб айтишга асос бор.

II боб. Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш

1. Ер ресурсларидан фойдаланишни геоэкологик ҳолати

Олтиариқ туманининг ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муҳим давлат аҳамиятига эга булган вазифадир. Туманда ер жуда чекланган, шунинг учун ер ресурсларидан фойдаланишда интенсив хўжалик юритиш тизимларини ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ қилиш керак. Ҳозирги кунда ер ресурслари захланиш, ботқоқланиш, шўрланиш, тупроқ эрозияси, зичланиш ҳамда ерлардан қурилиш ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши сабабли йилдан-йилга яна камайиб бормоқда. Эндиги асосий масала Олтиариқ туманида ер ресурсларидан, тупроқдан фойдаланишни интенсив йўлга қуйиш учун ҳудуднинг ғарбий қисмларида тупроқнинг гумус қатламини сақлаб қолиш учун шамол эрозиясини камайтириш мақсадида ихота ўрмонларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир (Мирзажонов, 1973) Марказий Фарғонада шўрланиш, ботқоқланиш ва бошқа экологик ҳолатларни олдини олиш мақсадида зовур тизимларини бошқариш, тоғолди текисликлари, адирлар, адир орти чўкмаларида сув эрозияси (жарликлар, карст, ўпқонлар, сурилмалар ва бошқалар) билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларига айланиб бормоқда (Султонов, 2001).

Туманнинг ғарбий қисми «Қўқон» шамолига рўпара ҳисобланади. Бу шамоллар эсан вақтида қишлоқ хўжалик ерларига катта зарар етади. Шамол эрозияси натижасида бу ҳудудда пахта ҳосили 34,5 центнердан 22,1 центнерга тушиб қолди. Бунга асосий сабаб, К.М.Мирзажоновнинг ғояси асосида 1962 йиллардан бошлаб Қўқон зонаси районларида тупроқ эрозиясини олдини олиш мақсадида ихота ўрмонлари ташкил этилган эди. Кейинчалик бу ихота ўрмонларининг аҳоли томонидан кесиб юборилиши оқибатида шундай ҳолатлар содир булди. Туман шароитида шамол эрозиясига қарши курашиш чора-тадбирларининг мақбул йўлини кўрсатувчи бу ғояни янада ривожлантириш вақти етиб келди.

Тупроқ эрозиясидан ташқари туманнинг жануби-шарқий, жанубий ва жануби-ғарбий қисмларида катта ер майдонлари жуда шўрланиб кетган, булар ўз навбатида экинлар ҳосилини камайтириб, тупроқ структурасини бузилишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш борасида мана шу шўрланган ерларнинг шўрини ювиш, яхоб сувларига, очик ва ёпиқ дренаж тизимларига катта эътибор берилиши керак.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Олтиариқ тумани ҳудудида катта майдонларни ўзлаштирилиши муносабати билан табиий ҳолда ўсадиган ўсимликлар майдони жуда қисқариб кетди. Хўжаликларни экстенсив йўлдан ривожланиши бир вақтнинг ўзида яйловларнинг ҳам майдонини қисқаришига олиб келди. Фарғона водийси шароитида чорва ҳайвонлари учун озуқабоп ўсимликларни етиштириш нафақат алмашлаб экиш ҳисобигагина эмас, балки лалми деҳқончилик минтақаларида агрофитоценозларни ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, туман ҳудудининг ўсимлик дунёси жуда ҳам хилма-хил, бу хилма-хилликни биз айниқса унинг баландлик бўйича ландшафтларини минтақаланишида яққол кўришимиз мумкин. Р.Шоназаровнинг (1995) таъкидлашича, туман ҳудудида доривор ўсимликларнинг оз булсада тарқалган ареаллари мавжуд. Шунинг учун ҳудудда ўсимлик дунёсини ва умуман фойдали ўсимликларни сақлаб қолиш учун табиий ландшафтларни қишлоқ хўжалик айланмасига тортмаслик ҳамда агрофитоценозларни ташкил этиш лозим.

2.Туманда бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини тартибга солиш

Олтиариқ туманида бозор муносабатлари шароитида ер ислоҳотиини ўтказиш зарур ишлардан бири сифатида майдонга чиқади, чунки ер энди маҳсулот етиштирувчи ресурс сифатида эмас балки, товар сифатида ҳам қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда туманда ҳам ўзига хос ер ислоҳотларини ўтказиш мақсадга мувофиқлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.Жумладан, ер ислоҳоти – бу ерларни бир хил ер эгалари ва

ердан фойдаланувчилардан бошқаларига олиб бериш ва шунга мос равишда мамлакатимизнинг ҳудудий тузилиши шаклларига ўзгартиришлар киритиш, ер мулкчилиги шаклларини ўзгартириш билан боғлиқ, ўзига хос муносабатлар ва уларга мос устуқрилмага эга ер тузумини қонуний расмийлаштирилган қайта қуришдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ер ислоҳотининг мазмуни ва вазифалари кескин ўзгаради. Буни сабаби шундаки, ер нафақат асосий ишлаб чиқариш воситаси, ҳудудий асос, табиий ресурс, балки у товарга айланади.

Ер ислоҳотини ва уни амалга оширувчи тузишнинг янги вазифалари пайдо булади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- ер участкаларининг жойлашган ўрнини, майдонларини ва чегараларини белгилаш, уларнинг сифат ва қиймат кўрсаткичлари тавсифини аниқлаш билан бозор учун ер фондини ташкил этиш;

- барча ерларни баҳолаш, ерга булган талаб ва таклифларни аниқлаш ва ер бозори фаолиятини кўзатиб бориш

- ер билан бевосита боғлиқ ишларни (булиш, қўшиш, бериш. Олиш ва бошқ.) бажариш, ерга булган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар бериш;

- ер эгалиги ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

- ерга булган мулкый ҳуқуқларнинг амалга оширилишини иқтисодий ва ҳуқуқий чоралар орқали таъминлаш, ерлардан фойдаланишнинг махсус тартибини ва шароитларини белгилаш;

- мулкчилик ҳуқуқини бериш, солиққа тортиш, иқтисодий рағбатлантириш ва иқтисодий жазолаш чораларини қўллаш учун зарур маълумотларни тайёрлаш.

Ерларни товарга айланишига қўшиш қонуний (ҳуқуқий) ва иқтисодий асос, ер бозорининг мураккаб инфратизимини (рўйхатга олиш ва кадастр хизмати, ер банклари, ер судлари ва ш.ў.) яратишни, ер кадастри, ер мониторинги ва ер тузиш тизимларини қайта ташкил этишни талаб этади. Ер тузиш ишлари таркиби кенгаяди, ер тузиш жараёни ва ҳужжатлар

мураккаблашади, ер тузиш хизматининг мақсади ва вазифалари ўзгаради, малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш зарурлиги туғилади.

Бозор ва ер муносабатларини тартибга солиш, ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерлардаги камчиликларни тугатиш, ер билан боғлиқ олди-сотди ва бошқа операцияларни ўтказиш учун бозор ер фонди ташкил этилади. Бунда ер участкаларини сотиш ва сотиб олиш, ер тизимини булиш, янги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларини ташкил этиш ва мавжудларини тартибга солиш, ерларни бериш ва қайтариб олиш, уларнинг ҳудудларини тузиш билан боғлиқ барча операциялар ер тузиш лойиҳаларига асосланиши керак.

Ер ислохотининг амалга оширишда ер муносабатларини ислох қилишнинг зарурияти: Ер мулкчилигидаги туб ўзгаришлар ва ерларни қайта тақсимлаш ер ислохоти даврида амалга оширилади. Ер ислохоти ҳамма вақт ҳам давлат томонидан тартибга солинади ва унинг назорати остида бўлади, У янги ер тузумига ўтиш учун амалга оширилади ва давлат сиёсатининг мужассамлашган кўриниши бўлиб. Маълум ҳуқуқий, иқтисодий, техник ташкилий чоралари билан таъминланади. Ер ислохотининг амалга оширилишининг асосий механизми ер тузиш тизими ҳисобланади.

Жамиятнинг ер тузуми – бу жамиятда мавжуд ва ҳуқуқий белгиланган ерда ҳўжалик юритиш турлари ва уларга мос мулкчилик турлари тизими асосида вужудга келган ер муносабатларининг мажмуидир.

Ер тузимининг асоси ерга булган мулкчилик шакли ҳисобланади. Ерга мулкчилик ҳуқуқи элементида ташкил топади:

- эгалик ҳуқуқи, яъни ер участкасининг ҳақиқатдан ҳам мазкур шахсга қарашлилиги;
- фойдаланиш ҳуқуқи, яъни, мазкур ер участкасидан даромад олиш;
- тасарруф этиш ҳуқуқи (олди-сотди, гаровга қўйиш, совға қилиш).

Ер мулкчилигининг бир неча асосий турлари мавжуд: давлат, жамоа хусусий. Давлат мулки ерлари таркибига мўхаллий ҳокимиятлар

тасарруфидаги ерлар киради. Уларга асосан мудофаа мақсадларига ажратилган ерлар миллий боғлар. Захирадаги ерлар ва бошқалар киради.

Давлат мулки ҳисобида яна бошқа тоифалардаги ерлар ҳам булиши мумкин, яъни қишлоқ хўжалик, ўрмон, сув фондлари ерлари.

Ерга жамоа мулкчилиги ерлари асосан қишлоқ хўжалик ширкатлари ва хиссадорлик жамиятлари ерларидан ташкил топади.

Хусусий мулкдаги ерлар қаторига деҳқон хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар ерлари киради.

Ўзбекистонда ер ислоҳотини ўтказишдан мақсад ерда хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган барча турлари тенг ривожланиши учун шароит яратиш, мамлакатимизда янги демократик ер тузимини бунёд этиш, ер ислоҳотини амалга ошириш учун ҳудудий шароит яратиш. Ер тўғрисидаги қонун ва қарорларни амалга ошириш мақсадида ерни қайта тақсимлашдир.

Ер ислоҳотини ўтказиш натижасида туманда ва умуман, Ўзбекистонда янги ер тузуми яратилади. Унга янги, олдин булмаган ер муносабатлари ва ер мулкчилиги ер эгалари ва ердан фойдаланиш турлари хосдир.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ер тузими қуйидаги хусусиятларга эга:

- ер ўша ҳудудда яшайдиган халқларнинг бойлигидир;
- фуқаролар ер олиш ҳуқуқига эга;
- ер мулкчилиги турларининг ҳар хиллиги ва тенглиги;
- ерда хўжалик юритишнинг ҳамма турларининг кенг ривожланиши;
- қишлоқ хўжалиги учун ердан фойдаланишнинг устиворлиги;
- давлатнинг ерга булган мутлоқ эгалиги бекор қилиниши.
- ерни бериш ва олиш вазифаси давлат маҳаллий идоралари томонидан амалга оширилиши;
- ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ер солиғи ва ижара ҳақи кўринишидаги тўловчилар ёрдамида амалга оширилиши;
- ер мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачилар ҳуқуқлари қонун билан ҳимояларини ва кафолатланиши;

- ер самарали фойдаланилиши ва ҳар қандай салбий оқибатлардан муҳофаза қилиниши керак;
- ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўз ҳудудларидаги қишлоқ хўжалиги экинларига, дарахтларига, бино ва иншоотларига эгалик қилиш ҳуқуқига эга;
- ер ислоҳотини амалга ошириш давлат ер тузиш хизмати зиммасига юкланган

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» 1998 йил 28 апрелда Республика Олий Мажлисининг 11 сессиясида қабул қилинди. У 14 та боб 31 моддадан иборат. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;
- хўжалик юритишнинг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилик асосида ривожланишига тўлиқ шароит яратиш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига булган ҳуқуқларини таъминлаш;
- ер муносабатларини замон талаби даражасида тартибга солиш.
-

3.Ер ресурсларини ер эгаликлари томонидан фойдаланилиши

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосида ер ётади. Унинг физик чегараланганлиги ва қайта тиклаш қийинлиги сабабли ердан фойдаланишда тежамли ва унумли фойдаланиш энг муҳим ва долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикасида мавжуд булган ер тоифалари орасидан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерларга катта устунлик берилган. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши истиқболимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар аввало, қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилади.

Ўзбекистонда фойдаланиладиган ерларнинг майдони

4-жадвал

Фойдаланиладиган ерлар	Минг га
Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги майдони	44896,9
Ташкилот, корхона, муассаса ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар	44410, 3
Республика бўйича суғориладиган ерлар майдони	4303, 0 ёки умумий ер майдонининг 9,69 %и
Олтиариқ туманида жами фойдаланиладиган ерлар	63,1(79,97 минг га,2013 йил январь ҳолатига)

Бозор шароитида ерга булган муносабат жуда эътиборли булиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 % ини шу тоифага кирадиган ерлардан олинади. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эғалланган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари шулар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг асосини суғориладиган ерлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли булган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки мувозанат суғориш тармоғига эга булган ерлар суғориладиган ерлардир.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлик даражасини қиёсий белгилайдиган кўрсаткич балл бонитетларидир. Мамлакатимиздаги суғориладиган ерларни унумдорлик даражасига кўра 10 синфга ёки 5 гуруҳга ажратамиз.

Суғориладиган ерларни унумдорлик даражаси

5-жадвал

Биринчи гуруҳ балл бонитети 0-20 баллга булган ерларни ўз ичига олади. Уларнинг умумий майдони 4,9%ни ташкил этади.

Иккинчи гуруҳ ерлари 21-40 балли булиб, уларнинг майдони 23,1% га тенг.

Учинчи гуруҳ ерлари 41-60 балли булиб, унинг майдони 43 % дан иборат.

Тўртинчи гуруҳ ерлари 61-80 баллга эга булиб, 26,1 % дан иборат.

Бешинчи гуруҳ ерлари эса 81-100 баллга тўғри келиб, умумий ер майдонининг 2,9% фоизини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш шу куннинг энг долзарб масаласи сифатида қаралар экан, албатта бунда, энг аввало, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона Давлат Ер сиёсатининг амалга оширишимиз зарур. Негаки, биринчидан, бозор иқтисодиётини ривожлантириш қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш эҳтиёжларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Иккинчидан ер фонди ҳолатини кўзатиш ўзгартиришларни ўз вақтида аниқлаб бориш, ерларни баҳолаш салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарур. Учинчидан, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратни ўрнатиш зарур.

Хусусан, фермер хўжаликлари фаолиятида ер майдонларининг катта миқдорга эга булиши уларнинг рентабеллигини юқори булишига олиб келишидан келиб чиқиб, “ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга пухта ўйланган ишлар амалга оширилди”. Натижада қишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи “фермер

хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич, сабзавотчиликда-10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди”.

Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва ҳ.к.) булинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари суғориладиган ерлар ҳамда лалми ерлари тоифаларига булинади. Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ерлари хўжалик юритиш шаклига қараб жамоа фонди ерлари ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлар тоифаларига булинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер асосий восита ролини ўйнайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликларини ташкил этишнинг негизида уларга ер бериш масаласи ётади. Фермер хўжаликларига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар берилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш Тартиби» ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи билан тасдиқланган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом» фермер хўжаликларини ташкил этишда талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш шартларини, танлов ғолибларини аниқлаш тартибини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон Республикаси

фуқароларига фермер хўжаликларини юритиш учун берилиши мустаҳкамланган. Фермер хўжаликларига ер беришнинг ҳуқуқий тартиби «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 10, 11 моддаларида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ, Фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача булган, лекин ўттиз йилдан кам булмаган муддатга берилади.

Фермер хўжаликларига ер участкаларини беришнинг ҳуқуқий тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига ўзоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом» га асосан белгиланади.

Фермер хўжаликларини йўналишларидан келиб чиқиб, уларга ер бериш миқдори қуйидагича белгиланган:

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес-режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: қорамоллар (сигирлар, насл олинадиган новвослар, бўрдоқига боқиладиган новвослар) ва отлар учун - 1.0, ёш қорамоллар учун - 0.6, қўй ва эчкилар учун - 0.1, чўчқалар учун - 0.3 ҳамда паррандалар учун - 0.025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда - камида 0,30 гектарни;

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги суғориладиган ерларда - камида 0,45 гектарни;

суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда - камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами:

пахтачилик ва ғаллачилик учун - камида 10 гектарни;

боғдорчилик, ўзумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун - камида 1 гектарни ташкил қилади.

Фермер хўжалигига ер участкаси имкони борида ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ерлардан фойдаланиши учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

Фермер хўжалигига ер беришнинг кейинги жараёнида ер ресурслари бўйича туман хизмати томонидан беш кун муддатда ер участкасини ижарага бериш шартномаси тайёрланади. Бу шартнома вилоят ҳокимининг ижобий қарори қабул қилингандан кейин туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Шартномага, унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг ҳаритаси илова қилинади. Ер участкаси ҳаритасида қабул қилинган белгиларга мувофиқ барча ҳолатлар (суғориш, коллектор-дренаж ва йўл тармоқлари, ерлар, контурларнинг тартиб рақами, фермер хўжалиги чегаралари) тўлиқ кўрсатилади. Ер участкаси ҳаритасини ер ресурслари бўйича туман хизмати бошлиғи, фермер хўжалиги бошлиғи ва чегарадош ер эгалари, ердан фойдаланувчилар вакили имзолайди. Шартномада шунингдек тупроқ бонитетининг ўртача аниқланган бали кўрсатилади.

Фермер хўжалиги бошлиғига ижарага бериладиган ер участкаси чегараларини кўрсатиш ер ресурслари туман хизмати вакили томонидан чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари иштирокида, шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда амалга оширилади. Агар чегара сувсиз ерлар бўйлаб ўтса, у ҳолда чегара шудгорланади, бурилиш бурчакларига эса чегара белгилари қўйилади. Ерларни кўрсатиш

далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома ер ресурслари бўйича туман хизмати вакили, чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари туғаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади, унда қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлади:

фуқаронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси;

ер эгасининг ёки ердан фойдаланувчининг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори;

ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг ер участкасини ижарага беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари тўғрисидаги протокол;

туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарори;

ер участкасини ижарага бериш шартномаси;

фермер хўжалигининг бизнес-режаси ёки фаолият дастури;

фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси.

Йиғмажилд икки нусхада тайёрланади, улардан биттаси ер ресурслари бўйича туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

Фермер хўжаликларига берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер-кадастр ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киртилган ҳолда қишлоқ хўжалик кооперативлари

(шйрат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг балансидан чиқарилади.

Ер участкасини ўзоқ муддатли ижрага бериш шартномаси ер ресурслари бўйича туман хизматида рўйхатдан ўтказилади ва фермер хўжалигининг ер участкасини ижарага олганлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йили 27 майда 736-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси томонидан 1999 йили 30 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига булган ҳуқуқларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома» га асосан фермер хўжаликлари ўзларининг ерга булган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишлари шарт.

Фермер хўжаликларини ер участкаларига нисбатан ижарага олиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва расмийлаштириш мажбурий ҳаракат булиб, унинг асосида уларнинг ер участкаларига булган ҳуқуқлари белгиланади ва рўйхатга олинган пайтдан бошлаб эътироф этилади. Ер участкаларига булган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тадбири фермернинг рўйхат органига ёзма ариза ва ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат ҳамда йўриқномага биноан бошқа зарур ҳужжатлар билан мурожаат қилишидан бошланади.

Ер участкаларига булган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги изчилликда амалга оширилади:

- ариза қабул қилинади;
- ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва материаллар текшириб кўрилади;
- аризаларни қабул қилиш реестрида ариза қайд этилади;
- ер участкасига булган ҳуқуқлар рўйхатга олинади;

- ер участкасига булган ҳуқуқлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома субъектга берилади.

Ер участкаларига булган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш рўйхатга олувчи орган аризани кўриб чиқиш учун қабул қилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади ҳамда ҳужжатлар рўйхатга олиш учун берилган кун ва вақтда рўйхатга олинган деб ҳисобланади, бу ҳақда реестрда қайд этилади. Ҳуқуқ устунлиги ариза реестрда қайд этилган саналар бўйича белгиланади.

Фермер хўжалигининг ер участкасига нисбатан ўзоқ муддатли ижара ҳуқуқи белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши, фермер хўжаликларининг ерга нисбатан ҳуқуқларини юридик жиҳатдан тан олиниши демакдир.

Қишлоқ жойларда яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари булган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин.

Транспорт, алоқа, сув хўжалиги, балиқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, шунингдек ҳалқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ўз эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан айрим тоифадаги ўз ходимларига хизмат чек ерлари беради”.

4.Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришни ҳозирги ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ушбу модда, сўзсиз мамлакатимизда бошқа барча табиий ресурслар каби давлат ер фонди ва унинг таркибидаги ер ресурсларига, участкаларига нисбатан мулкӣ муносабатларнинг ҳуқуқӣ асосини белгилаб беради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат

мустақиллик асослари тўғрисида”ги қонуни, Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни ерга нисбатан умуммиллий бойлик мақоми белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, умуммиллий бойлик тушунчаси халқ (миллат) бойлиги, мулки маъносини англатади. Демак, ер ресурслари ёки унинг алоҳида тоифадаги участкаларига нисбатан мулк категорияси сифатида қараш мумкин. Агар мулк ҳуқуқига одатдаги тарзда мулкдорнинг ўз мулкига нафақат эгалик қилиш ва фойдаланиш, балки шахснинг ҳақиқий мулкдорлигини англатувчи тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш ваколати сифатида қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз асосий қонунда умуммиллий бойлик атамаси қўлланилган ерга нисбатан тасарруф этиш ҳуқуқини халқнинг номидан ким амалга ошириши лозим, деган савол туғилади. Табиийки, бунда давлатнинг ер участкаларидан оқилона, унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти унинг ерга нисбатан тасарруф этиш ҳуқуқи билан боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим. Чунки тумандаги фуқароларнинг ҳар бири ер фонди давлат бошқарувида бевосита иштирок эта олмайди. Қолаверса, умуммиллий бойлик тушунчаси республика, яъни давлат мулки тушунчасини келтириб чиқаради.

Ер ресурслари ўзига хос, бошқа турдаги мулкларда такрорланмайдиган хусусиятларига кўра алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши лозим. Бундай хусусиятлар сирасига ернинг чекланган табиий ресурс эканлиги, аҳоли сонининг мунтазам равишда ўсиб бораётганлиги сабабли ер билан таъминланиш муаммосининг тобора кескин тус олаётганлиги, жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ер участкаларининг фуқаролик муомаласига киритилганлиги кабиларни киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ер участкаларига нисбатан мулкӣ муносабатлар бозор талабларига мос равишда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бунда бошқа табиий ресурслардан фарқли равишда ер участкаларига нисбатан

юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ҳуқуқи ўрнатилди. Дастлаб маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ерга нисбатан ашёвий ҳуқуқлар кимошди савдолари асосида сотила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони ер ҳуқуқининг бундай янги институти вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилди. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг 18-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида мулк сифатида реализация қилишлари мумкинлиги белгиланди. Шунингдек, дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари ер участкаларидан мулк ҳуқуқи асосида фойдаланишлари мумкинлиги кўрсатилди.

Мамлакатимиз Президентининг – 2006 йил 24 июль куни чиқарган “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Фармони ер-ҳуқуқий ислохотларини янги босқичга кўтарди ҳамда соҳадаги ўз ечимини кутаётган муаммовий масалаларнинг ечимини белгилаб берди. Унда юридик шахсларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, фуқароларнинг эса уй-жойлари жойлашган ва уларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиби ўрнатилди.

Ўзбекистонда ер участкаларини хусусийлаштириш истиқболлари ва унинг назарий масалалари хусусида мамлакатимиз юриспруденциясида бирмунча аввал сўз юритила бошланганди. Ва албатта, ҳозирги ҳолат рўй бериши лозим бўлган жараён сифатида кутилаётганди. Шунга қарамай давлатнинг ерга нисбатан мулк ҳуқуқи, ер фонди давлат бошқаруви, табиий ресурсларнинг умуммиллий бойлик эканлиги ҳақидаги тушунчалар соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар устида илмий-назарий мушоҳадалар юритишга ундайди. Табиийки, давлат (Бизнинг мисолимизда Олтиариқ

тумани) ўз ҳудудида жойлашган алоҳида тоифадаги ер участкалари хусусийлаштирилганда бутун ер фондини тасарруф этмайди. Аммо умумий тартибдаги бошқарув фаолияти орқали фойдаланишнинг ҳар қандай шаклида булган ер участкаларига нисбатан таъсир ўтказди. Бизнингча, давлатнинг ерларни тасарруф этиш ҳуқуқини ва унинг бошқарув фаолиятини бир-биридан айри ҳолда кўриш ёки бирини иккинчисидан келиб чиқувчи ҳолат сифатида баҳолаш нотўғри. Ер участкалари хусусийлаштирилишига қарамасдан, Ўзбекистон аграр-индустриал давлат булганлиги, энг асосийси қишлоқ хўжалигининг суғорма деҳқончиликка асосланганлиги сабабли мамлакатимизда ерга нисбатан асосан давлат мулкчилигининг сақланиб қолиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш жоизки, ер тузиш ишларини амалга ошириш, давлат ер кадастрини юритиш каби давлатнинг ерларни бошқариш соҳасидаги ваколатлари мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги ер участкаларига нисбатан татбиқ этилади. Ерга нисбатан умуммиллий бойлик тушунчаси республика, яъни давлат мулки тушунчасини келтириб чиқаради. Бизнингча, асосий қонунимизда ерга нисбатан умуммиллий бойлик ҳуқуқий мақомининг белгиланишига қуйидаги омиллар сабаб була олади:

биринчидан, ер бойликлари бутун жамият тимсолида ҳозирги ва келажак авлодларга тегишли бўлади;

иккинчидан, ер мамлакат ҳудуди булганлиги сабабли фуқароларнинг унда яшаши, жойлашиши инсонларнинг ердан фойдаланишдаги табиий ҳуқуқини англатади;

учинчидан, ер ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш мамлакатнинг келажagini белгилаб беради, яъни халқ хўжалигининг, иқтисодиётнинг ривожланишига вaшу орқали фуқароларнинг турмуш даражаси ўсишига, моддий фаровонлиги ошишига олиб келади;

тўртинчидан, давлат жамиятни ва давлатнинг ўзининг манфаатларини кўзлаб барча ер участкаларидан фойдаланишни назорат остига олади;

бешинчидан, мамлакатимизда хусусийлаштириладиган ер участкалари ер фондининг жуда кам миқдорини ташкил этади. Қолаверса, ерларнинг ҳуқуқий ҳолати давлатнинг фуқаролик муомаласида буладиган бошқа мулкларни ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда миллий ҳуқуқ тизимимизда ерга нисбатан хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида илмий-назарий мушоҳада асосидаги турли мунозарали фикрлар, қарашлар билдирилмоқда. Бизнингча, бу борада Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсат тўғри бўлиб, унда фақат баъзи тоифадаги ерларга нисбатан хусусий мулкчилик тартиби жорий қилинмоқда. Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи жорий этилишидан аввал ерга булган ашёвий ҳуқуқлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кимощди савдоларида сотила бошланган эди. Бизнингча ер-ҳуқуқий ислохотларининг ҳозирги босқичида юқорида келтирилган фармонда назарда тутилган ер участкалари тўғридан тўғри олди-сотди объекти бўлиш орқали фуқаролик муомаласига киритилиши ва бу ҳол ер, фуқаролик қонунчилигида ўз ифодасини топиши лозим. Яъни, эндиликда ер участкаларига булган ашёвий ҳуқуқлар эмас, балки ер участкаларининг ўзи хусусий мулк сифатида олди-сотди қилиниши лозим. Бунда, бизнингча фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдаланишида булмаган давлат тасарруфидаги ерлар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кимощди савдоларида, уларнинг мулкида булган ер участкалари эса маҳаллий ҳокимият органлари орқали ер участкасининг олди-сотдисига оид шартномани тузиш йўли билан сотилса мақсадга мувофиқ булар эди. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармони асосида ҳозирда тегишли давлат органлари томонидан ишлаб чиқиляётган Низомда ушбу қоида ўз ифодасини топиб, фуқаролик

қонунчилигига ер ресурслари, участкаларининг олди-сотдисида оид алоҳида шартнома тури ҳақидаги моддалар киритилса, миллий ҳуқуқ тизимимиздаги ерга нисбатан хусусий мулкчиликка оид нормалар анча такомиллашган буларди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ерга нисбатан хусусий мулкчилик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизимида муайян ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Бунинг салбий оқибатлари ҳуқуқни қўллаш амалиётида намоён булиш билан бирга ер-ҳуқуқий назарий масалаларида турли чалкаш фикрлар, қарашлар ва бирёқлама ёндашувларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Назаримизда, ушбу бўшлиқни тўлдиришда бозор муносабатларига биздан аввалроқ қадам қўйган хорижий давлатларнинг, айниқса ҳуқуқ тизими бизга яқин бўлган мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилиши, зарур ҳолларда улардан фойдаланилиши лозим.

II боб бўйича хулоса

Фарғона вилоятининг бошқа туманлари каби Олтиариқ туманида ҳам ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича чиқарган қарорлари ҳамда мамлакат қонунлари, вилоят ҳокимлигининг кўрсатмалари ва бошқа директив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллик асослари тўғрисида”ги қонуни, Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони. Мамлакат Президентининг 2006 йил 24 июлда чиқарган “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йили 27 майда 736-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хўзуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси томонидан 1999 йили 30 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома» га асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига ўзоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом» ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Умуман Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида ерларни геоэкологик ҳолатини яхшилаш масаласида энг биринчи навбатда сув,шамол эррозияларига катта аҳамият берилишини талаб этилади. Туманда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ер муносабатларини тартибга солиш ҳукумат томонидан чиқарилган қонунлар, кўратмалар асосида амалга оширилмоқда.

Ер ресурсларини ер эгаликлари томонидан фойдаланилиши ҳам фермер ва шахсий хўжаликлар ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш шу куннинг энг долзарб масаласи сифатида қаралар экан, албатта бунда, энг аввало, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона Давлат Ер сиёсатини амалга ошириш орқали тартибга солинади.

III боб. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий асосларини яратиш

1.Туманда ер ресурсларидан фойдаланишни илмий асосларини шакллантириш

Олтиариқ тумани ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муҳим давлат аҳамиятига эга булган вазифадир. Фарғона водийсининг бошқа туманлари каби Олтиариқ туманида ҳам ер жуда чекланган, шунинг учун ер ресурсларидан фойдаланишда интенсив хўжалик юритиш тизимларини ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ қилиш керак. Хўш, интенсив хўжалик юритиш тизими нималардан иборат:-

- ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида тупроқларни структурасини доимий яхшилаб бориш;

- тупроқ қопламини таркибини органик ва минерал ўғитлар ҳисобига доимий яхшилаб бориш;

- ер ресурсларини сув эрозиясидан сақлаш;

- ер ресурсларини шамол эрозиясидан сақлаш;

- фермер хўжаликлари ва бошқа ер ресурсларидан фойдаланувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзлари фойдаланадиган ерларни атрофларини ихота дарахтзорлари билан ўраш (бунда ер майдонларига салқин берадиган баланд дарахт турларидан фойдаланмаслик);

- ер ресурсларидан фойдаланишда алмашлаб экиш тизимини ҳамиша жорий этиш;

- ер ресурсларидан фойдаланишда экин турларига катта эътибор ва аҳамият бериш;

- саноат бино ва иншоотлари учун ер майдонларини тўғри танлаш;

- аҳоли пунктлари ва бошқа қурилишлар учун ҳам ер майдонларини кишлоқ хўжалиги айланмасида булмаган ҳудудлардан танлаш;

- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ер майдонларини доимий равишда асраш;

-бозор муносабатлари шароитида ер олди-соттисини ҳукуқий муносабатлар доирасида амалга ошириш;

-ер ресурсларига товар сифатида қаралганда, унга ҳукуқий нормалар асосида ёндошиш;

-туманнинг жанубий қимида селга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

-туман ҳудудидаги ерларда захланиш, ботқоқланиш, шўрланиш каби салбий оқибатларни доимий равишда олдини олиб бориш чора-тадбирларини амалга ошириб бориш ва бошқалар.(Олтиариқ тумани ирригация ва мелиорация карта-чизмаси 4-расм).

Ҳозирги кунда Олтиариқ туманида ва умуман вилоятда ер ресурслари захланиш, ботқоқланиш, шўрланиш, тупроқ эрозияси, зичланиш ҳамда ерлардан қурилиш ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши сабабли йилдан-йилга яна камайиб бормоқда. Эндиги асосий масала туман ер ресурсларидан, тупроқдан фойдаланишни интенсив йўлга қуйиш учун ҳудуднинг ғарбий, жанубий қисмларида тупроқнинг гумус қатламини сақлаб қолиш учун шамол эрозиясини камайтириш мақсадида ихота ўрмонларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир (Мирзажонов, 1973) Туманнинг Марказий Фарғонага туташ қисмларида шўрланиш, ботқоқланиш ва бошқа экологик ҳолатларни олдини олиш мақсадида зовур тизимларини бошқариш, тоғолди текисликлари, адирлар, адир орти чўкмаларида сув эрозияси (жарликлар, карст, ўпқонлар, сурилмалар ва б.) билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларига айланиб бормоқда (Султонов, 2001).

Туманнинг ғарбий қисми «Қўқон» шамолига рўпара ҳисобланади. Бу шамоллар эсан вақтида қишлоқ хўжалик ерларига катта зарар етади. Шамол эрозияси натижасида бу ҳудудда пахта ҳосили 34,5 центнердан 22,1 центнерга тушиб қолди. Бунга асосий сабаб, К.М.Мирзажоновнинг ғояси асосида 1962 йиллардан бошлаб Қўқон зонаси районларида тупроқ эрозиясини олдини олиш мақсадида ихота ўрмонлари ташкил этилган эди.

Кейинчалик бу ихота ўрмонларининг аҳоли томонидан кесиб юборилиши оқибатида шундай ҳолатлар содир бўлди. Фарғона вилояти шароитида шамол эрозиясига қарши курашиш чора-тадбирларининг мақбул йўлини кўрсатувчи бу ғояни янада ривожлантириш вақти етиб келди.

Тупроқ эрозиясидан ташқари туманнинг шимолий, шимоли-шарқий қисмларида ер майдонлари жуда шўрланиб кетган, булар ўз навбатида экинлар ҳосилини камайтириб, тупроқ структурасини бўзилишига олиб келади. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш борасида мана шу шўрланган ерларнинг шўрини ювиш, яхоб сувларига, очиқ ва ёпиқ дренаж тизимларига катта эътибор берилиши керак.

2.Туманда ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг илмий асослари

Олтиариқ туманида вилоятнинг бошқа қисмлари каби қуруқ иқлим шароитида чегараланган ҳолда суғориладиган ерлардан ниҳоятда омилкорлик билан ва оқилона фойдаланишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг унинг иқтисодий аҳолини яхшилаш, аҳолини мўл-кўл дон, полиз, сабзавот, чорва маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб турган бир вақтда муаммонинг аҳамияти янада беқиёс даражада ортмоқда. Гап шундаки, Ўзбекистон энг аввало ғалла, гўшт, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган меъёрлари бўйича ўз-ўзини йил давомида тўла-тўқис таъминлашга тезда эришиши керак. Бунинг учун суғориладиган деҳқончилик ерларидан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг гектар ҳисобига етиштириладиган миқдори барча жойларда юқори даражада булиши зарур. Бу ўз навбатида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқлар маҳсулдорлигини кўтаришни, ҳар бир қариш ердан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистонда барча суғориладиган ерларнинг майдони 4,28 млн гектардан ортиқ. (Олтиариқ туманида барча суғориладиган ерлар майдони

19,2 минг га). Чалачўл ва чўл минтақаларидаги воҳалар асосан сойларнинг ёйилмаларида, дарёларнинг терассаларида ва дельталарида жойлашган. Суғориладиган деҳқончилик ерлардан жойларнинг литологик геоморфологик хусусиятларига қараб фойдаланиш самарадорлиги турлича. Масалан, ёйилмаларнинг юқори қисмларида (Сўх, Исфара ва бошқалар) рельеф қиялиги каттароқ ($0.02 - 0.008^{\circ}$) булганлиги туфайли бу ерлар суғорма эрозиясига мойил булса, этак қисмларининг аллювиал ётқизиклари таркибида сувда эрийдиган тузлар кўпроқ. Худди шундай аҳволни дарё дельталарининг (Бухоро, Қоракўл, Қашқадарё, Шеробод, Амударё ва бошқалар) ўрта ва қуйи қисмларида ҳам кузатиш мумкин. Лекин дельталарнинг юқори қисмларида қиялик камлигидан эрозия булмаган тақдирда ҳам ер ости сувлари сатхи ер бетига яқин туради, аммо уларнинг оқими яхши булганлигидан шўр кам булади. Бундай ҳолат Олтиариқ тумани ҳудуди ўтиш зонасида (адир ва текислик зонасида) жойлашганлиги учун шимолий текислик қисмларига нисбатан пастроқда жойлашган.

Дарёларнинг 2 ва 3 терассалари (Марказий Фарғона, Мирзачўл ва бошқалар) турли тузларга тўйинган аллювиал ётқизиклардан ташкил топганлиги туфайли тупроқ шўрланган.

Экинларни суғоришда гидроморф мелиоратив усулнинг қўлланиши грунт сувлари сатхининг ер бетига яқин жойлашиши (1-3 м) га олиб келган.

Ётқизиклар таркибида тузларнинг грунт сувлари таъсирида эриши сабабли грунт сувининг минераллашув даражаси қуйидан юқори томон ортиб боради ва буғланиш жараёнида тупроқда тузларнинг тўпланиши содир булади. Тупроқнинг сув-туз режимини бошқариш гидроморф ва ярим гидроморф мелиоратив шароитда ўта мураккаб масала. Шунинг учун ҳам Республикамиздаги жами суғорма деҳқончилик ерларининг қарийб ярми турли даражада шўрланган.

Айниқса, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Марказий Фарғонанинг ерларини шўр босган.(Жумладан, Олтиарик туманида ҳам шўр босган ҳудудлар мавжуд).

Республика бўйича 2011 йилгача суғорилиб, деҳқончилик қилинадиган ерлар майдони 4220,2 минг га, шундан шўрланмаган майдон 1942,9 минг га; кучсиз шўрланган майдон 1483,9 минг га, ўртача шўрланган майдон 682,0 минг га, кучли ва жуда кучли шўрланган майдонлар 165,6 минг га тенг булган.

Шўрланган суғорма деҳқончилик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида азалдан турли зичликда зовур тармоқлари қурилган. Суғорма деҳқончилик ерлари сув ва шамол эрозияси туфайли ҳам жиддий зарар кўради. Республика Фарғона Академияси Тупроқшунослик ва агрокимё давлат институтининг маълумотларига кўра барча ҳайдаладиган ерларнинг 1422 минг га да сув эрозияси рўй беради. Шамол эрозияси ҳам 2 млн га майдонда рўй беради. Суғорма эрозия кўпроқ Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги тоғ этаклари ва адирлар қия ён бағирларини ўзлаштирилиши натижасида содир булади. 2011 йилларгача Республикадаги суғорма деҳқончилик районларида пахта ва шоли яккахокимлиги даврида ҳосилдорлиги пасайиб ерларни ориқлашишига олиб келди.

Суғорма деҳқончилик ерларида мониторинг тадбирларидан қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

1. Сув эрозиясига қарши кураш
2. Шамол эрозиясига қарши кураш
3. Тупроқни сақлаш тизими
4. Ҳосилдорлигини кўтариш бўйича
5. Шўрланишни олдини олиш.

Кимёвий ўғит ва органик ўғитлардан фойдаланиш ва кимёвий моддалардан оқилона фойдаланиш ва бошқаларни амалга ошириш лозим

булади. 2011-2012 йилларга келиб суғорма деҳқончилик ерлари республикада 4,28 млн гектарга ёки аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 0,17 га дан тўғри келди. Бутун қишлоқ хўжаликда фойдаланиладиган ерларни фақат 10 % банд этган обикор ерлар жуда катта маҳсулдорлик имкониятига эгаки, бу республикада жанубда йилига 3, шимолда 2 марта ҳосил йиғиштириб олишимиз мумкин. Қачонки, биз юқорида айтиб ўтган мелиоратив тадбирлар мониторингини доимо амалга оширилиб борилса. Ҳозирги кунда Олтиариқ туманида ҳақиқатан қишлоқ хўжалик ерларидан 2 марта ҳосил олинмоқда.

Чалачўл ва чўл минтақаларидаги воҳалар асосан сойларнинг ёйилмаларида, дарёларнинг терассаларида ва дельталарида жойлашганлигини биз юқорида айтиб ўтдик. Воҳалардаги обикор деҳқончиликнинг тараққий қилиши кўҳна тарихга эга, чунки ўша вақтларда ота-боболаримиз сойлар ёйилмалари, дарё терассалари ва дельталаридаги ерларни ҳайдаш, суғориш ва экин-тикин билан шуғулланишга анча қулайлигини яхши билганлар. Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Шахрисабз воҳалари 2-2,5 минг йил, балким ундан ҳам кўп вақтдан буён суғорилиб келинади. Самарқанд воҳасида агроирригация ётқизикларининг қалинлигини мутахассислар 2-2,5 м ва кўпроқ деб баҳолаганлар.

Воҳалардан чиққан ташлама сувларнинг чўллардаги ботиқларда тўпланиши туфайли яйловларнинг майдони айниқса катта ҳудудларда қисқариб бормоқда. Биргина Ҳайдар ботиғидаги кўлга 2001 йилда Мирзачўл ва Жиззах чўлининг зовур ва Сирдарё сувларининг ташланиши натижасида 320 минг га майдондаги яйловни сув босиб кетган. (Бундай ҳолатни Марказий Фарғона чўлларида ҳам учратиш мумкин). Воҳалардаги суғориладиган ерларда экологик мувозанат доимо мураккаб вазиятда булади, чунки ер тупроқ мелиоратив шароитининг оғирлиги, ҳосилдорликнинг пасайиб бораётганлиги, турли ноҳуш жараёнларнинг

борган сари кўпроқ майдонларни қамраб олаётганлиги экологик вазиятни калтис ҳолатда булишлигига олиб келмоқда.

Мувозанатнинг беқарорлиги асосан жойнинг литологик-геоморфологик-гидрогеологик-тупроқ омилларининг ўзаро табиий боғлиқлиги бузилиши билан боғлиқдир. У ердан фойдаланиш жараёнида тупроқнинг агрономик, физик ва кимёвий хусусиятларига эътибор бермаслик, сувдан эҳтиёжга нисбатан кўпроқ фойдаланиш ва ернинг маҳсулдорлик қобилятини доимо тикланиб боришига аҳамият бермаслик асосида содир булади. Кўп ҳолларда уни сунъий равишда тиклаш учун зовур тармоқлари қурилади, грунт сувлари сатҳини пасайтиришга ҳаракат қилинади. Лекин бу ҳол зовур тармоқлари ниҳоятда пухта, самарали ишлашига ва улар устидан олиб бориладиган кучайиш, назоратнинг сифатига боғлиқдир.

Ўзбекистонда воҳа суғориладиган ерлар экологик мувозанати, тупроқ-мелиоратив шароитининг беқарорлиги туфайли мустаҳкам эмас. Воҳалардаги тупроқда мураккаб биологик шароитларни нормал ҳолатда ривожланишига салбий таъсир ўтказиб келинмоқда. Минерал ўғит, захарли химикатлардан узоқ вақт ҳаддан ташқари кўп фойдаланилганлиги тупроқ маҳсулдорлигини йил сайин қайта тикланиш жараёнини буғиб қўймоқда, биоорганик ва биокимёвий жараёнларнинг нормал ҳолда ривожланишига монелик қилмоқда. Авваллари тупроқда, чувалчанглар кўп учрарди, лекин ҳозирда 1 м пахта етиштириладиган майдонда биронта ҳам чувалчанг деярли учрамайди.

Тупроқда мувозанатнинг бузилиши вазиятни кескинлаштирмоқда. Воҳа геотизимлари экологик мувозанатнинг беқарорлигига тупроқда туз тўпланиши, шамол эрозияси ва суғориш жараёнида ирригация эрозияси каби бир қатор ходисалар таъсир этмоқда.

Маълум вақтларда дарёлар ва сув омборлари ҳамда гидроузеллари билан жиловлангунга қадар сувда оқиб келган барча фойдали

элементларнинг бир қисми суғориш жараёнида экинзорларда тўпланган ва қолган қисми дарёларнинг ўзи билан Орол денгизига қуйилиб келган эди.

Оқизиклар таркибида ўсимликлар ўсиши учун жуда ҳам фойдали элементлар мавжуд бўлиб, ҳар йили тупроқни бойитиб борар эди. Шу сабабли булса керак, воҳа геотизимларида калийли ўғитлардан камдан-кам фойдаланилган, чунки тупроқ таркибида у етарли миқдорда бўлган. Ҳозир эса дарёлар тулиқ жиловлангани учун ушбу фойдали элементлар сув остига чўкиб, сув эса обдон тозалангандан сўнг суғоришда фойдаланилмоқда. Бу эса тупроқни қашшоқлаштирмоқда. Эндиликда воҳаларда суғориладиган ерларга улар ўрнини тўлдириш учун қўшимча фосфор, азот, калий ўғитлари берилмоқда. Лекин табиий усулда ушбу бирикмаларнинг тупроққа келиб тушиши сунъий ўғитларга қарганда фойдалироқ эди.

Умуман, Олтиариқ тумани адир ва текислик геотизимларининг мунтазам функциялари мониторинг асосида кузатиш ва назорат қилиш, яъни туман ҳудудида маълум ҳудудий ландшафтларнинг морфологик тадрижий ўзгаришларини, умумий тараққиёт ўзгариши (туз тўпланиши ёки шўрсизланиши, ирригация эрозияси, шамол дефоляцияси ва бошқалар), мелиоратив тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича мониторингли тадқиқотлар олиб бориш лозим

III боб бўйича хулоса

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқаришда бозор муносабатларидан келиб чиқилгани ҳолда энг биринчи навбатда интенсив хўжалик юритиш тизими зудлик билан шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки Фарғона вилоятидаги бошқа туманларга нисбатан олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш жуда катта масштабларни ташкил этади умумий кишлок хўжалигида фойдаданиладиган ерлар майдони 2013 йил январ ҳолатига 63,1 минг гадан 79,97 минг гага етказилди ва бу

майдонларда ҳозирги кунда деҳқончилик ишлари амалга оширилмоқда. Лекин туманда ер ресурсларидан фойдаланишни ва бошқаришни илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш учун интенсив хўжалик юритиш тамойилларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Булар қуйидагилардан иборат:

- тумандаги Отақулов, Зилха, Окбуйра, Повулғон, Нуробод, Полосон, Навоий, Охунбобоев, Ал-Фарғоний, Журак, Ўзбекистон, Янгиобод, Пахтаобод, Иттифок, Тонг, Қизилтепа фермер хўжаликлари массивларида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни илмий асосларини шакллантириш учун ҳудудда инвентаризация ва мониторинг тадбирларини амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади;

- ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида тупроқларни структурасини доимий яхшилаб бориш;

- тупроқ қопламани таркибини органик ва меъёрида солинадиган минерал ўғитлар ҳисобига доимий яхшилаб бориш;

- ер ресурсларини сув эрозиясидан сақлаш;

- ер ресурсларини шамол эрозиясидан сақлаш;

- фермер хўжаликлари ва бошқа ер ресурсларидан фойдаланувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзлари фойдаланадиган ерларни атрофларини ихота дарахтзорлари билан ўраш (бунда ер майдонларига салқин берадиган баланд дарахт турларидан фойдаланмаслик);

- ер ресурсларидан фойдаланишда алмашлаб экиш тизимини ҳамиша жорий этиш;

- ер ресурсларидан фойдаланишда экин турларига катта эътибор ва аҳамият бериш;

- саноат бино ва иншоотлари учун ер майдонларини тўғри танлаш;

- аҳоли пунктлари ва бошқа қурилишлар учун ҳам ер майдонларини қишлоқ хўжалиги айланмасида бўлмаган ҳудудлардан танлаш;

- алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ер майдонларини доимий равишда асраш;

-бозор муносабатлари шароитида ер олди-соттисини ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга ошириш;

-ер ресурсларига товар сифатида қаралганда, унга ҳуқуқий нормалар асосида ёндошиш;

-туманнинг жанубий қимида селга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

-туман ҳудудидаги ерларда заҳланиш, ботқоқланиш, шўрланиш каби салбий оқибатларни доимий равишда олдини олиб бориш чора-тадбирларини амалга ошириб бориш ва бошқалар.

Хулоса

Умуман олганда Олтиариқ тумани Фарғона вилоятида ўзининг ўрнига эга булган туманлардан бири ҳисобланади. Биз биринчи бобда туманнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига, ер фондининг булинишларига ҳамда туманда олиб борилаётган ҳозирги кундаги ер тузиш ишларига қисқача тўхталиб хулосалар қилдик. Жумладан, Олтиариқ тумани-Фарғона вилоятидаги туман. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолдан Наманган вилояти, ғарб ва шимоли-ғарбдан Риштон, Бувайда ҳамда Бағдод, шимоли-шарқдан Қўштепа, Ёзёвон туманлари ва жанубдан Фарғона тумани ва Қирғизистоннинг Қадамжой тумани билан чегарадош. Майдони 0,63 минг км². Аҳолиси 175,7 минг киши (2012 йил). Олтиариқ туманида 1 та шаҳар (Ҳамза), 13 шаҳарча ва 15 та қишлоқ фуқаролар йиғини бор.

Олтиариқ туманида 79,97минг гектар майдонда деҳқончилик қилинади, туман ер фондида жами ер майдонининг 90,4% қисми экин ерларига тўғри келади. Бу ҳолат туман ерларининг асосий қисми қишлоқ хўжалик айланмасида экнилигидан фермер хўжаликларида ерлардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилганлигини далолат беради. Шуларни ҳисобга олиб Олтиариқ туманига табиий, ижтимоий-иқтисодий ҳолатига умумий тавсиф, унинг ер фондини ҳолати ҳамда туманда ер тузиш ишларни ҳолатига қисқача маълумотлар берилди. Келтирилан маълумотлар асосида туманда ер ресурсларининг ҳолати қониқарли даражада деб айтишга асос бор.

Фарғона вилоятининг бошқа туманлари каби Олтиариқ туманида ҳам ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича чиқарган қарорлари ҳамда мамлакат қонунлари, вилоят ҳокимлигининг кўрсатмалари ва бошқа директив хужжатлар асосида амалга оширилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллик асослари тўғрисида”ги қонуни, Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони. Мамлакат Президентининг 2006 йил 24 июлда чиқарган “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йили 27 майда 736-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қумитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси томонидан 1999 йили 30 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома» га асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган «Ер участкаларини фермер хўжаликларига ўзоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом» ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Умуман Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида ерларни геоэкологик ҳолатини яхшилаш масаласида энг биринчи навбатда сув, шамол эрозияларига катта аҳамият берилишини талаб этилади. Туманда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ер муносабатларини тартибга солиш ҳукумат томонидан чиқарилган қонунлар, кўратмалар асосида амалга оширилмоқда.

Ер ресурсларини ер эгаликлари томонидан фойдаланилиши ҳам фермер ва шахсий хўжаликлар ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш шу куннинг энг долзарб масаласи сифатида қаралар экан, албатта бунда, энг аввало, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона Давлат Ер сиёсатини амалга ошириш орқали

келиб тартибга солинади.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқаришда бозор муносабатлари шароитидан чиқилгани ҳолда энг биринчи навбатда интенсив хўжалик юритиш тизимини зудлик билан шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Чунки Фарғона вилоятидаги бошқа туманларга нисбатан Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш жуда катта масштабларни ташкил этади умумий қишлоқ хўжалигида фойдаданиладиган ерлар майдони 2013 йил январ ҳолатига 63,1 минг гадан 79,97 минг гага етказилди ва бу майдонларда ҳозирги кунда деҳқончилик ишлари амалга оширилмоқда. Лекин туманда ер ресурсларидан фойдаланишни ва бошқаришни илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш учун интенсив хўжалик юритиш тамойилларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Булар куйидагилардан иборат булиши мумкин:

- тумандаги Отақулов, Зилха, Окбуйра, Повулғон, Нуробод, Полосон, Навоий, Охунбобоев, Ал-Фарғоний, Журак, Ўзбекистон, Янгиобод, Пахтаобод, Иттифок, Тонг, Қизилтепа фермер хўжаликлари массивларида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни илмий асосларини шакллантириш учун ер ресурсларини инвентаризация қилиш ва мониторинг тадбирларини амалга ошириш;

- ер ресурсларидан фойдаланиш жараёнида тупроқларни структурасини доимий яхшилаб бориш;

- тупроқ қопламини таркибини органик ва меъёрида солинадиган минерал ўғитлар ҳисобига доимий яхшилаб бориш;

- ер ресурсларини сув эрозиясидан сақлаш;

- ер ресурсларини шамол эрозиясидан сақлаш;

- фермер хўжаликлари ва бошқа ер ресурсларидан фойдаланувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзлари фойдаланадиган ерларни атрофларини ихота дарахтзорлари билан ўраш (бунда ер майдонларига салқин берадиган баланд дарахт турларидан фойдаланмаслик);

-ер ресурсларидан фойдаланишда алмашлаб экиш тизимини хамиша жорий этиш;

-ер ресурсларидан фойдаланишда экин турларига катта эътибор ва аҳамият бериш;

-саноат бино ва иншоотлари учун ер майдонларини тўғри танлаш;

-аҳоли пунктлари ва бошқа қурилишлар учун ҳам ер майдонларини кишлоқ хўжалиги айланмасида булмаган ҳудудлардан танлаш;

-алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ер майдонларини доимий равишда асраш;

-бозор муносабатлари шароитида ер олди-соттисини ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга ошириш;

-ер ресурсларига товар сифатида қаралганда, унга ҳуқуқий нормалар асосида ёндошиш;

-туманнинг жанубий қимида селга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

-туман ҳудудидаги ерларда захланиш, ботқоқланиш, шўрланиш каби салбий оқибатларни доимий равишда олдини олиб бориш чора-тадбирларини амалга ошириб бориш ва бошқалар.

Олтиариқ туманида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни бошқаришни илмий асосларини яратиш жабҳасида бизнинг томонимиздан жуда катта илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан Олтиариқ туманининг маъмурий карта-чизмаси, табиий карта-чизмаси, туманнинг тупроқлар карта-чизмаси, ҳамда туманнинг ирригация ва мелиорация карта-чизмаси 1:100 000 масштабларда ишланди. 15 та пунктдан иборат ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг илмий асосларини бердик. Агар бундай интенсив иш юритиш туман мутасаддилари томонидан ишлаб чиқаришга тадбиқ этилса самарадорлик юқори бўлишлигига эришилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тўплами.-Т.: “Ўқитувчи”, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси -Т.:“Ўзбекистон”,1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.
5. Ер муносабатларини тартибга солишга доир Қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: 2000.
6. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: Шарқ. 1998 й.
7. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 11 декабр 2003йил (ўзлаштириш ва қўшимчалар билан).
8. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг “Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003йил 22 декбрдаги ПФ-3366-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 2005йил 14 мартдаги “2005-2006-йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-29-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси (18 январь 2013 йил)

11.Каримов И.А. Жаҳон молиявий -иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009. 56-б.

12.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.Т.Ўзбекистон.1997.

13.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //“Ўзбекистон” нашриёти-Тошкент.-1997.-114-бет.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:
Асосий адабиётлар:

1.Абдуллаев С. А, Зиёмухаммедов Э. А. Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш давр талаби. “ Ер ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва ер кадастри муаммолари” туплами. Т. , ТИМИ, 2005, 65-69 бетлар.

2. Бобожонов А. Р, Раҳмонов Қ. Р, Ғофуров А. Ж. “Ер кадастри. Т., “Чўлпон”, 2002.

3.Варламов А.А., Гальченко С.А. Земельный кадастр. Т.6. Географические и земельные информационные системы.-М.: Колос, 2005. – 400 с.

4.Варламов А.А., Земельный кадастр: в 6т. Т.1. Теоретические основы государственного земельного кадастра.-М.: Колос,2002.-383с.

5.Ер ҳуқуқи. Дарслик Масъул муҳаррир: М.Б.Усмонов. -Т.: 2002.

6.Земельный кодекс РФ.-М.:Прспект, 2008 г..-23 с.

7. Захаров П.С. “Эрозия почв и меры борьбы с ней» М., 1971

8.Научные основы землеустройства.Под редакцией В.П.Троицкого.- М.: Колос, 1995.-176 с.

9.Нигматов А. “Ер ҳуқуқи”. Т., 2001

10.Усманов М.Б. ва бош. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ, 2000.

11.Усмонов М.Б. Қишлоқ хўжалигида ижара. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.182-б.

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Варламов А.А., Захаров С.Н. Мониторинг земель –М.: 2000.-283с.
- 2.Варламов А.А, Комов Н.В, Шамакаев В.С, Хлыстун В.Н. Государственное регулирование земельных отношений. М.: Колос, 1999 й.
- 3.Дектарев И.В. Земельный кадастр М.:1987.
- 4.Земельный кадастр. Теория,Методика.Практика.Учебное пособие /под.ред.А.А.Варламова, ГУЗ, М., 20001.
- 5.Комов Н.В. Управление земельными ресурсами России М.: Колос,1995 й.
- 6.Нурматов М., Сафаров Ж. Қишлоқ таракқиёти: бугуни ва келажак истиқболлари.-Т.: “Фан ва технология”, 2009, 236-
- 7.Рахмонов К.Р. Ер мониторинги асослари.ТИММИ 2004..
- 8.Толипов Г.А. Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри.Т.:Ўзбекистон,1994.
- 9.Хлыстун В.Н. , Пальчик Ф.И. Земельные отношения и землеустройство. М.: Колос, 1984.
- 10.Шалов Т.Б.,Жабоев С.А.,Ахматова М.Х.,Абрегов М.М. Земля и земельные отношения, Нальчик , 2006 -56 с.

Илмий журналлардаги мақолалар:

- 1.Мирзаабдуллаева М.Р Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишга оид қонунчилик хусусида баъзи мулоҳазалар. //Давлат ва ҳуқуқ. 2004, №6.
- 2.Усмонов М.Б. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи.-Т.: “Адолат”, 2001. 36-б.
- 3.Ўзбекистонда ихота дарахтзорларини ташкил этиш масалалари.// (В.Исақов, С.Зокирова) Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали.Т.: ФАН. 2012.№6, 3-9 б.

Интернетдан олинган материаллар:

1. [http://www. Oltiariq tym/mf/uz](http://www.Oltiariq_tym/mf/uz)
2. <http://www.odlqc.org.uk> <http://www.open.ac.uk>
3. <http://www.openweb.ru/koi8/cgibin>
- 4 .<http://www.petersons.com/preview/distance.html>
- 5.<http://www.sheffcol.ac.uk/lettol/enquire.htm>
- 6.<http://www.si.edu/resource/faq/start.htm>
- 6.<http://www.tantal-sov.ru>

Иловалар:

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани ер массивларида ташкил булган мавжуд фермер хўжаликлари тўғрисида 2013 йил 1 январь ҳолатига маълумот

1- Илова

№	Массивлар ҳамда фаолияти ва ер майдонлари ўзгармаган фермер хўжаликларининг номи	Фермер хўжалигининг йўналиши	Ер участкасининг ижарага бериш муддати (йил)	Умумий ер майдони, га	Шундан																	
					Экин ер майдони	Кўп йиллик дарахтзорлар				Маданий яйловлар	Жами қишлоқ хўжалик ер турлари	Томорқа ерлари	Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	Жами ўрмонзорлар	Шундан		сув ости ерлари	йўллар	ижтимоий ховли ва куча майдонлар	ижтимоий бинолар	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар жами	
						Жами	Шундан								Ихота дарахтзорлар	Теракзорлар						
							Боғ	Ўзумзор	Тутзор													Бошқа кучагзорлар
	Бошқалар					0					0			0						0		
	Наслчилик			10,1	4,0	1,0	1,0				5			0						5		
	Ёрдамчи хужалик			61,0	33	15,0	15,0				48,2			0						13		
	Укув юртлари			61,0	39,0	1,0	1,0				40			0			1	3	15	2		

	Патилахон файз (ёрдамчи хужалик)			40,0	40,0	0,0						40										0
	Янги ерларни сугориш			17,0		0,0	0,0					0			17	17						0
	Капчугай (захира)			44,0	7	3,0	3,0					9,5	5		0			1	1	13	5	9
	Бошқалар жами			233	123	20	20	0	0	0	0	143	5	0	17	17	0	1	2	16	20	29
429	Туман ф/х жами			20816	17180	1822	1642	14	166	0	12	19014	0	0	69	68	1	658	186	2	22	859
178	Пахта- галлачили к			17843	16232	169	109	3	58	0	0	16402	0	0	59	58	1	575	151	0	15	634
13	Чорвачил ик			673	592	19	11	2	6	0	0	611	0	0	9	9	0	20	4	2	1	27
26	Сабзавотч илик			215	165	31	31	0	0	0	0	196	0	0	0	0	0	7	4	0	2	7
193	Боғдорчил ик			1934	129	1525	1489	10	26	0	12	1666	0	0	1	1	0	52	26	0	3	185
19	Бошқалар			151	61	79	2	0	77	0	0	140	0	0	0	0	0	4	1	0	0	5
429	Туман к/х жами			37110	17304	1842	1662	14	166	0	257	19403	4694	70	373	305	55	1786	921	1358	508	7997

**Фарғона вилояти Олтиариқ туман фермер хўжаликларининг йил давомида миқдор ўзгаришлари ва
йўналишлари ҳақида 2013 йил 1 январь ҳолати маълумот (гектар ҳисобида)**

2-Илова

Т/р	Худудлар номи	Фе рме рла р сон и	Умум ий майдо ни	Пахта-ғаллачилик				Боғдорчилик			Сабзавот - полизчилик				Чорвачилик				Бошқалар			
				сон	Умумий майдони	Экин ерлар		сон	Умумий майдони	шу жумладан, боғзор	сон	Умумий майдони	Экин ерлар		сон	Умумий майдони	Экин ерлар		сон	Умумий майдони	Экин ерлар	
						жами	шундан суғориладигани						жами	шундан суғориладигани			жами	шундан суғориладигани			жами	шундан суғориладигани
1	Отакулов	36	1624	14	1401	1310	1310	19	197	176	1	4	4	4					2	22	5	5
2	Зилха	17	673	2	478	444	444	11	145	116	1	32	11	11					3	18	2	2
3	Окбуйра	15	1058	8	941	844	844	4	89	35	1	18	15	15					2	10	3	3
4	Повулғон	56	1418	8	950	849	849	40	397	315	4	44	38	38					4	27	5	5
5	Нуробод	25	2175	14	2006	1784	1784	4	50	40	5	41	39	39	1	69	63		1	10	5	5
6	Полосон	19	1544	12	1446	1285	1285	4	41	27	1	2			2	51	49			5	5	5
7	Навой	49	2265	19	2008	1906	1906	18	149	110	5	9	9	9	3	58	56		4	41	26	26
8	Охунбобоев	16	1240	11	1051	926	926	3	57	48					2	132	123					

9	Ал-Фарғоний	19	1430	10	1258	1208	1208	8	82	69					1	89	78					
10	Журак	30	1391	16	1261	1112	1112	11	115	91	1	6	6	6	1	6	6		1	3	2	2
11	Ўзбекистон	51	1531	17	1262	1212	1212	33	253	220	1	16	5	5								
12	Янгиобод	23	883	10	755	726	726	12	122	85									1	6		
13	Пахтаобод	27	1045	13	905	777	777	13	130	100	1	10	9	9								
14	Иттифок	16	677	8	619	538	538	8	58	51												
15	Тонг	17	1310	10	997	902	902		4	4	3	26	25	25	3	267	218		1	15	15	15
16	Қизилтепа	13	552	6	500	405	405	5	46	38	2	6	5	5								
	Туман жами	429	20816	178	17838	16228	16228	193	1934	1525	26	215	165	165	13	673	592	0	19	156	66	66

**Фермер хўжаликларини гуруҳлар бўйича тақсимланиши
2013 йил 1 январь ҳолатига**

3-Илова

Т/р	Худудлар номи		Фермерлар сони	Умумий майдони	Шу жумладан														
					1 гадан - 3 гача		3,1 гадан - 5 гача		5,1 гадан- 10 гача		10,1 гадан - 20 гача		20,1 гадан - 50 гача		50,1 гадан - 100 гача		100 гадан юқори		
					сон	га	сон	га	сон	га	сон	га	сон	га	сон	га	сон	га	
1	Отакулов		36	1624	3	5,4	5	12,4	9	38,6	5	166,8	1	41,3	6	458,9	7	90	
2	Зилха		17	673	1	2,7			5	49,1	8	117,5	1	25,6	1	69,8	1	40	
3	Оқбуйра		15	1058	2	5,5	2	7,9	1	16,2	2	33,7	2	61,2	2	226,6	4	70	
4	Повулғон		56	1418	7	14,5	9	48,3	15	120,0	14	233,7	2	52,5	4	280,5	5	66	
5	Нуробод		25	2175	3	6,0	5	26,8	3	32,7	1	37,7	1	79,7	7	604,2	5	138	
6	Полосон		19	1544	1	4,0		4,5	1	6,3	4	51,4	2	124,8	4	414,2	7	93	
7	Навоий		49	2265	11	19,9	2	9,2	5	39,0	8	111,0	6	215,2	9	770,1	8	110	

8	Охунбобоев	16	1240			2	7,5	1	9,9	1	11,6	1	27,8	6	588,2	5	59
9	Ал- Фарғоний	19	1430	1	2,3	2	9,5	3	29,0	3	44,0	--	-	-	-	10	134
10	Журак	30	1391	2	6,8	1	4,5	7	68,0	3	51,0	4	160,5	10	683,7	3	41
11	Ўзбекистон	51	1531	4	8,6	4	12,7	19	144,2	8	103,5	3	124,7	11	922,7	2	21
12	Янгиобод	23	883	1	3,3	3	12,9	7	59,9	3	52,0			7	517,6	2	23
13	Пахтаобод	27	1045	2	4,0	2	6,9	4	31,6	5	70,2	3	123,3	11	809,2		
14	Иттифок	16	677	2	3,2	2	12,2	1	7,1	3	39,4	2	82,6	5	375,0	1	15
15	Тонг	17	1310	1	6,4			1	16,2	2	38,8	3	172,1	5	334,0	5	74
16	Қизилтепа	13	552	2	8,7	1	6,4	3	27,2	1	29,9	1	47,0	4	304,5	1	12
	Туман жами	429	20816	43	101	40	182	85	695	71	1192	32	1338	92	7359	66	99